



*Алишер Навоий номидаги
Самарқанд давлат
университети*

Ҳ.АБСАМИЕВ

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ
ЖАРАЁН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

САМАРҚАНД-2001

891709 1661142
А-19 Абсалямов, Г.
Зозирки агабий
тараён.

20014 722a

У-62 13.10.03

У-375 16/1/76

У-82 21.11.08. *Dom...*

У-375

У-82.

12/6

№3743 15.3.4
12 №53 [76-105359] п оп
Вс.кн.пат. 31.01.77 Ф912

541.18(075.8)

У-6 13.03.17 *enb*
У-181 - 16.09.19. *enb*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳ. АБСАМИЕВ

ҲОЗИРГИ АДАБИЙ
ЖАРАЁН

(Маърузалар матни)

САМАРҚАНД-2001

891.709


A-19

Ҳ.Абсамиев. Ҳозирги адабий жараён. (Маърузалар матни) -- Самарқанд: СамДУ нашри, 2001 й. 63-бет.

Такризчилар: проф. Р. Орзибеков

проф. И. Суванқулов

« Ҳозирги адабий жараён» фани республикаимиз олий ўқув юртлирининг филология факультетларида кейинги йилларда ўқитила бошланди. Бундан асосий мақсад талабаларни бугунги адабий муҳитнинг асосий хусусиятлари билан таништира бориш, баъдий асар ҳақида мустакил мулоҳаза юритиш қобилиятини оширишдан иборатдир. Мазкур маърузалар матнида ҳозирги ўзбек адабиётидаги ўзига хос хусусиятлар ва турли хил йўналишлар ҳақида фикр юритилади. Маълумки, «Ҳозирги адабий жараён» фанидан ҳалигача дарсликлар яратилгани йўқ. Ушбу маърузалар матни олий ўқув юртлирининг филология факультети талабалари ва ҳозирги ўзбек адабиёти тараққиёти билан кизиқувчилар учун мўлжаллаб ёзилган. Маърузалар матни Олий ўқув юртлираро Илмий-методик кенгаш тавсиясига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган 1997 йилги дастур асосида ёзилди.



© Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети, 2001

I МАВЗУ: «ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁН» ФАНИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. «Ҳозирги адабий жараён» фанининг предмети.
2. 80-90-йилларда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт.
3. Ошкоралик даври ўзбек адабиёти.
4. Мустақиллик ва адабиёт масалалари.
5. Янги давр адабиётининг асосий хусусиятлари.

Таянч иборалар: *Тарихий шароит. Истиқлол ва адабиёт. Адабиёт тарихини ўрганиш масалалари. Тасаввуф ва жаҳид адабиёти. Адабиётда сўз эркинлиги.*

Кейинги йилларда адабиёт ўқитиш дастурига «Ҳозирги адабий жараён» номли фан ҳам киритилди. Бундан асосий мақсад сўнги йилларда адабиётимизда пайдо бўлган ўзгаришлар ҳақида талабаларга маълумот бериб боришдан иборатдир. Шу билан бирга жаҳон адабиётидаги янги-янги оқимлар ва йўналишлар тўғрисида ҳам қисқача маълумот бериб ўтилади. Уқув режаси бўйича бу фан биринчи курс студентларига ўтилади. Уларга адабиётдаги янгиликлар билан бирга, баъдий асарларни мустақил таҳлил қилиш ҳам ўргатилади.

«Ҳозирги адабий жараён» фанининг тадқиқот объектига 1985 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган адабий жараёндаги муҳим ўзгаришларни ўрганиш киради. Маълумки, 1985 йилдан бошлаб собиқ СССРда қайта қуриш ва ошкоралик даври бошланди. Тургунлик даврида ҳукм сурган кўпгина идларлар фош қилинди. Ҳукуматнинг юргизаётган сиёсатига қарши эътирозлар, норозиликлар кучайди. Жумладан, республикамизда пахта яккаҳоқимлиги натижасида пайдо бўлган салбий ҳолатлар аёвсиз фош қилинди. Экология, ўзбек тилининг мавқеини ошириш, уни давлат тили даражасига кўтариш ва маънавият соҳасидаги

муаммолар тўғрисида матбуотда кўплаб чиқишлар бўлиб турди. Россияда Сахаров, Солженицин сингари рус демократларининг тоталитар коммунистик тузумга қарши чиқишлари миллий республикалардаги ижтимоий-сиёсий аҳволга ҳам қаттиқ таъсир қилди. Болтиқбўйи ва Кавказ орти республикаларида мавжуд тузумга қарши кураш авж олиб кетди. Бизнинг Республикамизда ҳам ана шундай норозилик намоёнликлари бўлиб турди. Фарғона ва Ўшда бўлиб ўтган воқеалар аслида миллий озодлик учун бўлган ҳаракатларнинг бошланиши эди. Ўзбекистонда яшовчи крим-татар, турк, яҳудий миллатига мансуб халқлар ўз тарихий ватанларига қайтиш учун намоёнликларга чиқа бошлади. Айниқса Ўзбек тилига давлат мақоми берилган ҳақидаги масала кун тартибидagi биринчи муаммога айланди. Ҳаттода кенг жамоатчиликнинг талаби билан 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

Ана шундай миллий озодлик ва ўз-ўзини англаш учун бўлган курашларнинг олдинги сафларида ижодкор зиёлилар турди. Улар демократия ва ошкоралик учун, ватанчимизнинг мустақиллиги учун ҳар қандай ҳавф-хатар ва чеклашларга қарамасдан ҳаётларини ҳавф остига қуйиб, мустақил тузумга қарши курашда жонбозлик кўрсатдилар. Бу давр матбуотида эълон қилинган публицистик асарларга эътибор берар экансиз, уларда ниҳоятда катта миллий уйғонишнинг акс-садосини сезасиз. Социализм даврида тақиқланган кўпгина асарлар шу даврда қайтадан кўплаб нусхада нашр қилина бошланди. Жумладан, диний-маърифий, сарой ва жаҳид адабиётининг мумтоз намуналари яна дунё юзини кўра бошлади. Ўзбек адабиётида бу даврда публицистика етакчи ўринга чиқди. Чоп этилган оддий мақоладан бошлаб, катта ҳажмдаги романларгача эрк ва озодлик, миллий ўзликни англаш ҳақидаги масалаларни кўтариб чиқди.

2 Демократия ва ошкоралик жараёни, айниқса рус адабиётида жуда кескин ўзгаришларга олиб келди. Демократия туфайли ман этилган адабий мавзуларга чек

қўйилди. Ман қилинган рус ижодкорларининг асарлари қайтадан нашр қилина бошлайди. Бу ижодкорларнинг кўпчилигини 1937 йилги репрессияда отиб ташланган бўлса, қолганлари турли даврларда коммунистларнинг таъқибига учраган эди. Ана шундай истеъдодли рус адибларидан Михаил Булгаков, И.Мендельштам, А.Платонов, В.Набаков, А.Ахматова, М.Зощенко, В.Гроссман, А.Сольженицин сингариларнинг асарлари кўплаб нусхада нашр қилина бошланди.

М.Булгаковнинг «Уста ва Маргарита», «Ит юрак», В.Набаковнинг «Лолита», В.Гроссманнинг «Ҳаёт ва қисмат», А.Сольженициннинг «Иван Дейисовичнинг бир куни», «Гулаг архипелаги» асарлари бизнинг адабиёт ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишда катта роль ўйнади. Бу асарларнинг кўпчилини ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Маълумки, рус ёзувчиларнинг бир қисми чет элларда яшаб ижод қилган. Ана шу адабиёт коммунистик мафкурадаги адабиётга қарама-қарши ўлароқ, ҳаёт ҳақида, социалистик жамият ҳақида тўғри, объектив фикларни билдирди. А.Сольженициннинг инсон ҳуқуқининг паймол қилинганини, камоқхоналардаги ақл бовар қилмас даҳшатли қийноқларни ақс эттирган «Гулаг архипелаги» номли асари Нобель мукофотига сазовор бўлди. Бу асарда XX асрда инсоният олдида катта жиноят қилган советлар ҳокимиятининг бутун кирдикорлари очиб ташланди. Миллионлаб инсонларнинг қурбон қилингани, уларнинг инсон соти чидаёлмайдиган даҳшатли қийноқларга солингани ёзувчининг ўзи гувоҳ бўлган воқиалар мисолида берилган. Мащхур ёзувчи М.Булгаковнинг «Ит юрак», «Уста ва Маргарита» асарлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган. Бу асарларда ҳам коммунистик тоталитар режим, умуман зўровонликка асосланган тузум рамзий образлар билан берилган. М.Булгаковнинг бу асарлари ҳам бутун дунёга мащхур бўлиб кетган. Рус адабиётидаги ана шундай бадий асарлардан ўзбек китобхоналари ҳам бахраманд

бўлди. Бу китоблар социалистик жамият ҳақидаги фикрларимизни бутунлай ўзгартириб юборди.

3 Ана шундай жараён 80-йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек адабиётида ҳам руй бера бошлади. Бу даврда 37 йилда қатоғон қилинган Фитрат ва Чўлпон сингари ёзувчиларнинг асарлари дастлаб газета ва журнал саҳифаларига, кейинчалик алоҳида китоблар шаклида чоп этилди. Чўлпон ҳақиқатан ҳам XX аср ўзбек адабиётининг энг ёрқин сиймоларидан биридир. Унинг ижоди асосан 20-йилларга тўғри келади. Шоир қисқа умрини эл-юртининг озодлигига ва бадиий адабиётга бағишлади. У бешта шеърини тўпнам, бир қанча драматик асарлар ҳамда «Кеча ва кундуз» романини ёзиб қолдирди.

XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан яна бири Абдурауф Фитратдир. Бу ижодкор ҳам 37-йил репрессиясининг қурбони бўлди. Совет ҳокимияти даврида кўп йиллар «миллатчи», «халқ душмани» тамғаси билан унинг номи қоралиниб келди. Асарларини ўқиб ман қилинди. Фақат 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, унинг айрим асарлари чоп этила бошлади. Фитрат серқирра ижодкор сифатида бир қанча лирик ва прозаик асарлар билан бирга, кўплаб драматик асарлар ҳам ижод қилган. Унинг «Абулфайзхон» драмаси тарихий мавзудаги трагедия бўлиб, XVIII аср Бухоро хонлигидаги қонли воқияларни акс эттирган. Бу асар ғоявий-бадиий жиҳатдан анча қучли бўлиб, у жаҳон драматургиясининг машҳур асарлари билан бир сафда туришга арзиди.

Шулардан кўриниб турибдики, Чўлпон, Фитрат каби ижодкорлар янги адабиётимизнинг асосчиларидан бўлди. Улар ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига олиб чиқиб учун улкан ишларни амалга оширди. Жаҳон бадиий тафаккуридаги энг асосий жанрларни ўзбек адабиётига олиб кириб, уларни кенг ёйишга ҳаракат қилди. Бу икки ижодкорнинг илмий асарлари ҳам анчагинадир. Улар адабиётшунослик фанининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшди. 37-йил қатоғонига учраган ёзувчиларнинг бир қисми

50-йилларнинг охириларида оқланди. Фитрат ва Чўлпон каби ёзувчиларнинг асарларини нашр этиш асосан Республикамиз мустақилликни кўлга киритгандан сўнггина амалга оширилди. Коммунистик мафкура бу икки ижодкорнинг асарларини чоп этишдан доим хайиқиб келди. Чунки уларнинг асарларидаги миллий рух халқ онгида босқинчиларга нисбатан нафрат уйғотиб юбориши мумкин, деб ўйлади. Аҳмад Яссавийнинг «Хикматлар»и, Сулаймон Бокиргоний, Суфи Оллаёр ва Навоийнинг диний-маърифатга оид асарлари ҳам чоп этилди.

Воқеаларнинг бу тартибда шиддат билан ривожланиши СССРнинг тугатилишига олиб келди. Юз йилдан ортиқ рус мустамакчиларининг асаротида бўлган Ўзбекистон ҳам 1991 йилда ўз мустақиллигини кўлга киритди. Мустақил Республикамиз тез орада БМТнинг аъзоси бўлди ва жаҳондаги кўпгина давлатлар билан сиёсий-иқтисодий алоқалар ўрната бошлади. Маълумки, ҳар бир мустақил мамлакат ўз шароитидан келиб чиқиб, ўзининг ривожланиш, тараққиёт йўлинига, ўз миллий мафкурасига эга бўлиши лозим. Мустақил юртимизда ҳам аввалги коммунистик мафкурадан воз кечиб, янги, ўзимизнинг миллий ҳусусиятларимизга мос келувчи, Ўзбекистон фуқароларини етук, маънавий баркамол инсонлар қилиб етиштириш учун хизмат қилувчи мафкурага ташлаш лозим эди. Ана шу соҳа бўйича адабиёт энг асосий ролни бажаради.

Истиқлол даврига келиб адабиёт қандай бўлиши керак, деган муаммолар кун тартибида турди. Хатто бу ҳақда кўптаб баҳо ва мунозаралар пайдо бўлди. Жумладан, «Адабиёт ўладими?» деган мақолалар пайдо бўлди. Коммунистик тузум даврида адабиёт эрк ва озодлик, мустақиллик учун курашиб келди, энди юртимиз мустақилликни кўлга киритди, адабиёт ўз вазифасини ўтаб бўлди, унинг қиладиган иши қолмади, деган бир ёқлама фикрлар ҳам баён қилинди. Шубҳасиз, бу фикрларга қўшилиб бўлмайд.

4 Мустақиллик даврида адабиётнинг вазифаси ҳар қачонгидан кўра ҳам фаоллашди. Мустақил Республикамизнинг мафқурасини шақлантиришда, қадимий қадриятларини тиклашда, янги баркамол инсонни тарбиялашда адабиётимиз жуда катта роль ўйнамоқда. Бугунги кун адабиётимиз олдинги даврлар адабиётидан кескин фарқ қилади. Энди ижодкорларимиз қўлиқ сўз эркинлигига эга бўлди, улар учун тақиқланган мавзулар бекор қилинди. Ёзувчилар нимани хоҳласа, ўшани ёзиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Аввалгидек уларнинг ёзган асарлари ёзувчилар уюшмаси мажлисларида муҳокамадан ўтмиш шарт эмас. Адабиёт биронта сиёсий партиянинг гоъларини тарғибот қилувчи ҳуролга айланиб қолмаслиги керак. Мустақиллик даври ўзбек адабиётида ана шу хусусиятлар мавжуд. Лекин бу жараён осонликча кечмади. Адабиёт ҳам ўтиш даврида анча кийинчиликларга дуч келди. Баъзи ижодкорлар учун янги даврнинг моҳиятини тушуниб олиш анча кийин кечди. Адабий меросга муносабат ҳам турлича бўлди. Айниқса, бугунги кунда жаҳид адабиёти анъаналарининг таъсири анча сезиларли. Чунки бу даврга келиб жаҳид ёзувчиларининг қаъриб барча асарлари қайта нашр этилди. Ҳозирги ёзувчиларимиз асарларида жаҳид адабиётига ҳамоҳанглик кўзга ташланмоқда. Бу ҳам ҳозирги адабиётимизнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Кейинги йиллар ўзбек насрининг ривожига Х.Султон, Э.Аъзамов, Н.Эшонқул сингари таланти ёзувчилар ижодининг таъсири катта бўлмоқда. Айниқса Назар Эшонқулнинг модернизм услубда ёзаётган диқоялари адабиётимизга катта талант кириб келаётганлигидан дарак бермоқда. Поэзияда эса ҳамон А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфилар етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга, ўзбек шеърлятида бир қатор таланти ёшларнинг ҳам дастлабки тўпламлари нашр этилмоқда. Шулардан кўриниб турибдики, ХХI асрда ўзбек адабиёти албатта катта талантларга эга бўлади. Драматургияда С.Аҳмад, А.Иброҳимов, Ш.Бошбеков, М.Бобоев сингарилар етакчилик қилмоқда.

Адабиётшунослик фанининг ривожига бугунги кунда, худди аввалгидек, кекса танқидчилар катта хисса қўшмоқда. М.Қушжаднов, У.Норматов, О.Шарафиддинов, И.Ғафуров. Н.Худоберганов сингари танқидчилар ҳозирги адабий жараённинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикрлар билдириб турмоқда. Р.Қўчқор, Х.Дўстмуҳаммад, А.Отабоев каби ёш танқидчиларнинг ҳам чиқишлари ўзбек адабиётшунослик фанининг келажати парлоқ бўлишидан дарак бермоқда.

Ҳозирги ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири умуминсоний муаммоларни тасвирлаш бириинчи планга чиққанидир. Маънавий-ахлоқий муаммолар талқини ва диний-маърифий кадриятларни тасвирлаш жараёнининг кучайиб бориши кўзга ташланмоқда. Ўзликни англашда, қадимий кадриятларни тиклашда адабиётнинг роли ошиб бормоқда. Бу келажакда баркамол инсонни тарбиялашда албатта қўл келади. Бунга мисол қилиб А.Ориповнинг «Хикмат садолари» номли тўпламини кўрсатишимиз мумкин. Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур сингари буюк ватандошлармизнинг юбелейлари муносабати билан уларга бағишлаб ёзилган асарлар ҳам халқимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда катта роль ўйнади. Ҳозирги ўзбек адабиётида совет даврини бадий талқик қилиш, у ҳақда ҳақиқатни айтишга интилиш кўзга ташланмоқда. Чунки шу пайтгача ёзилган асарларда совет даврини тасвирлашда, унинг фақат ялтироқ томонларини олиб тасвирлаган. Кейинги йилларда ёзилган О.Ёкубовнинг «Адолат манзили», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» номли асарларида совет даври тўғри акс эттирилганининг гувоҳи бўламиз.

Кейинчи давр адабиётимизда инсонни талқик қилиш, унинг руҳиятига чуқур кириб бориш кўзга ташланмоқда. Бунга мисол қилиб Омон Мухторнинг «Тепаликдаги ҳаробо», «Кўзгу олдидаги одам» каби асарларини кўрсатиш мумкин. Инсоннинг ўзлигини англаш, табиатга муносабат,

экология масалалари адабиётимизнинг асосий мавзулари бўлиб бормоқда. Ҳозирги адабиётимизда бадиий томонга эътибор кучайиб бормоқда. Сунъий чеклашлар, ман қилинган мавзулар мустақиллик даври ўзбек адабиётида аста-секин йўқолиб бормоқда. Адабиётда гоҳ билан бадиийликнинг уйғунлашуви кўзга ташланмоқда. Адабиётимиздаги бу ўзгаришлар эса, унинг келажаги парлоқ бўлишидан дарак беради.

Аmmo бугунги адабий жараёнда айрим негатив ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Ўтмиш қадриятларимизни тиклашда, диний-маърифатни тарғиб қилиш жараёнида айрим жаҳонат намуналари бўлган асарлар ҳам пайдо бўлмоқда. Булар эса баъзи юртдошларимизнинг фикрларини чалқаштиришга олиб келмоқда. Айрим юбицей муносабати билан яратилаётган асарлар шошма-шошарлик оқибатида ёзилганлиги тўғрисида, улар бадиий томондан саёз, қувук фактлар йиғиндисига айланиб келмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунимизни тасвирловчи замонавий асарлар кам ёзилмоқда. Ваҳоланки, мустақил Республикаимизнинг олға кетишига тўсқинлик қилаётган турли иннатларни фож этиш, уларга халқнинг эътиборини қаратиш адабиётнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Адабиётимиз тараққиётидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиб борувчи адабий танқиднинг фаолияти ҳам кўнгилидагидай эмас. Вақтли матбуот органлари орқали бадиий асарларни тарғиб қилиш ҳам етарли даражада деб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даври ўзбек адабиёти айрим камчиликларга қарамасдан, замон билан ҳамқадам бўлиб ривожланиб бормоқда. Янги аср бўсағасида ўзбек адабиётининг келажаги парлоқ бўлади деган умиддамиз.

Савон ва топшириқлар:

1. «Ҳозирги адабий жараён» фани қайси даврлар адабиётини ўрганadi.
2. Ошқоралиқ даври адабиётда қандай мавзулар стакчилик қилди.
3. Истиклол ва бадий адабиёт масалалари.
4. Ҳозирги адабий жараён ва маданий меърос масалалари.

Адабиётлар:

1. Аслом Қаримов. «Ўзбекистон ХХI асар бўсағасида...», Тошкент, 1997 йил.
2. А.Алиев. Истиклол ва адабий мерос. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 й.
3. Х.Дўстмухаммад. Кечаги ва бугунги кун адабиёти. «Ватан» газетаси, 1993 йил, 15-сон.
4. «Сарҳисоб». Давра суҳбати. «Жаҳон адабиёти» журнати, 1998 йил, 1-сон.

III МАВЗУ: ХХ АСР АДАБИЁТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСКИЧЛАРИ

Режа:

1. Бадий тафаккурнинг тараққиёт боскичлари.
2. Европа модерн адабиёти.
3. Реалистик адабиёт ривож.
4. Поэзия ва прозадаги янги оқимлар.

Таянч иборалар: Тарихий муҳит. Адабиёт ривож, уйғонил даври ва бадий тафаккур. Европа модерн адабиёт, Марсел Пруст. Социалистик реализм методи. Реалистик метод.

Тарихдан маълумки, инсоният бадий тафаккури ҳамма вақт бир текисда ривожланмаган. Бунда баъзи пайтларда юкори нуқтага кўтарилиш бўлган бўлса, баъзан эса таназзулга юз тугган даврлар ҳам бўлган. Масалан, Антик давр адабиётида қадимги юнон ва рим адабиёти асосий ўринни эгаллаган бўлса, уйғониш даврида эса Ғарбий Европа халқлари адабиёти асосан етакчилик қилган. Шарқда, шу жумладан, Ўрта Осиёда XI-XV асрларда бадий тафаккурнинг юкори даражага кўтарилганининг гувоҳи бўламиз.

XX асрга келиб эса адабиёт ўзига хос йўллар билан тараққий этиб борди. XIX асрдаги реалистик адабиёт анъаналари бу асрга келиб янада ривожланди. Шу билан бирга XX аср дунё адабиётида янги оқимлар ва йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Бундай янги оқимлардан бири "Онг оқими" деб номланиб, у XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Европада пайдо бўлди. Бу «Модерн адабиёт» деган ном билан ҳам юритилади. Унинг асосчиларидан бири француз адиби Марсел Пруст «Йўқотилган вақтни излаб» туркум романининг биринчи китобини 1907 йида нашр эттирди. Бунда адабиётда сўз айтиш услуби мутлақо бошқача бўлгани кўзга ташланди. Адабиётда инсон бош омилга айланди, унинг орзу-умидлари, изтироблари, бахти ва бахтсизлиги баралла куйланди. Инсон психологик, хатто биологик томондан чуқур таҳлил қилина бошланди. Адабиёт энди тарбия воситаси эмас, инсонни тафқатсиз тадқиқ қилиш марказига айланди. Модерн адабиётдаги бош хусусиятлардан бири тушқунликдир. Лекин бу унинг ўзагини ташкил этмайди. Достоевскийнинг «Телба» асаридаги Мишкин билан Кафканинг «Жараён» асаридаги Йозеф К. бир-бирига ўхшаб кетади. Лекин Мишкин ўз жамиятидан норози. У чиркин, жаҳолат батқоғига ботган жамиятдан гўзаллик излайди. Бу адибнинг буржуйлар жамиятига нафрати эди. Кафканинг қаҳрамони Йозеф К. эса итоаткор, буйсунувчан шахс, нима учун у жиноят курсида

ўтирганини ҳам билмайди. У жазоланиши аниқ эканлигини сезиб, оёқлари қалтираб ўтирган одам образидир. Бу Кафканинг ўзи, айти пайтда, ўз қўли, ақл-заковати билан яратган улкан ихтиролари олдида жон бераётган инсон образидир. Йозеф К. тирикликдан азоб чекади. Бу модерн адабиётгагина хос хусусиятдир. Франц Кафка ижоди ҳақида адабиётшунос олим Аҳмад Отабоев шундай фикрни билдиради: «Кафка ижоди инсониятнинг адабиёт соҳасида эришиши мумкин бўлмаган ютуғи деб ҳисоблайман. Айти пайтда эса мени ўзбек китобхони ҳам вақт келиб Кафкани билармикан, деган муаммо ўйлатади. Чунки у жаҳон маданиятининг йирик ҳодисаларидан биридир.»

Модерн адабиётининг ўзига хос бир қанча йўналишлари мавжуд. Шулардан бири «Абсурд театр» деб номланиб, бу Фарбий Европада XX аср ўрталарида пайдо бўлди, модернизмнинг бир кўриниши сифатида анча шухрат қозонди. «Абсурд театр»га хос бўлган асарларда асосий ўринни мантиқсизлик эгаллайди. Бу оқимнинг Семюэл Беккет, Эжен Ионеску сингари вакиллари бор. Уларнинг бир қанча асарлари Европа ва Америка театрларида муваффақият билан намойиш қилинган. С.Беккетнинг «Гадони кутиш» номли асари айниқса жуда машхур бўлди. Бу асарда Эстраган ва Валдимир қишлоқлари йўлида Гадони кутаётган кишилар образи берилди. Год инглизча Тангри дегани/. Улар ўзаро суҳбатларда аҳамиятсиз нарсалар ҳақида мантиқсиз фикрлар айтади. Масалан, улар оёқ кийими ҳақида гапириб, кейин бирдан нима учундир ўзларини осмоқчи бўлади. Лекин дарахтнинг шохи кўтара олмайди деб бу фикрларидан қайтади. Шу пайт бир киши ўз хизматкори билан пайдо бўлади. У хизматкорини фикрлашга буюради, у эса тутуруксиз гаплар айтади. Шу билан театр саҳнасидаги парда ёпилиб, асарнинг биринчи қисми тугайди. Иккинчи қисмда ҳам айнан шу воқиалар ва кўринишлар такрорланади, яна Гадо келмайди деган хабар келади ва шу билан асар тугайди. Пьессада ноаён нарсанинг беъмани ва бесамар кутилиши тасвирланган.

Эжен Ионескунинг «Ялтирбош ялпачи хотин» асари ҳам «Абсурд театр» оқимининг машҳур асарларидан биридир. Бу асарда, умуман, ялпачи хотин ҳақида ҳеч қандай гап йўқ, хатто у бирон жойда эсга ҳам олинмайди. Асардан келтирилган бу парчага эътибор берайлик.

«Бир куни бир хўкиз аллақандай кучукдан нега хартумингни ютуб юбормадинг», деб сўрабди». «Кечирасиз, - дебди кучук, - мен ўзимни фил деб уйлабман». Ушбу гап грамматик тамондан тўғри тузилган. Гапнинг эга ва кесими, бошқа бўлаклари ҳам жойида. Бирок бу гапда муълако мантиқ йўқ, беъмани гап. Ана шу мантиқсизлик, беъманилик «Абсурд театр»нинг баш ва стакчи маъноси бўлиши лозим. Бу пьесада Бобби Уингсон ва унинг болалари, қариндошлари ва яқинлари қатнашади. Уларнинг ҳаммасининг исми бир, яъни Бобби Уингсон. Уларнинг истак хоҳишлари, табиати, ички кечинмалари ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Шунинг учун уларнинг ҳар бирига алоҳида исм қўйиш ҳам шарт эмас. Модалики, улар мустакил фикрларга эга эмас экан, демак улар одам эмас, балки қандайдир механизмлар бўлиб чиқади. Маълумки, Сталин ва Гитлер ҳукмронлиги даврида собиқ СССР ва Германияда ҳаммани бир хил тарбиялашга киришилган эди. Драматург ана шуни назарда тутиб, уларнинг нақадар беъмани эканлигини кўрсата олди. Модерн адабиётчилар инсоният тараққиётининг муҳим муаммоларини қаламга олиб, уларга жавоб излайди. Амалдаги анъанавий санъат услубларидан воз кечиб, адабиёт ва санъатда янги тасвирлаш йўлиларини ахтаради. Улар модернизм санъати реал воқийликдан кўра ҳаққонийдир, деб ҳисоблашган. «Мен, - деб ёзган эди Эжен Ионеску, - ўйлаб топилган, тўқилган воқиаларни одатлаги кундалик реал ҳаётдан кўра асосли тўлиқ ва ҳаққоний деган фикрга ишонаман».

Модернизмнинг кейинчалик футуристлар, дадаистлар, экспрессионистлар, сюрреалистлар каби йўналишлари пайдо бўлди. Бу оқимларнинг пайдо бўлишига ижтимоий ҳаётда рўй бераётган катта социал воқиалар сабабчи бўлди.

Масалан, Альберт Камю Европада юз берган иккита Жаҳон уруши оралигида яшади. Уруш туфайли миллионлаб инсонлар вафот эди. Даҳшатли воқиалар юз берди, дунё кагта талофатни бошидан кечирди. Ёзувчи худо бўлганда эди, шуларга чек кўярди, деб норозилик сифатида эзди. Демак, худосиз бу дунё беъманиликдир, деб хулоса чиқарди.

Модернистик адабиёт мавқеининг ортишига сабаб бўлган томонларидан бири, воқиа-ҳодисаларнинг моддий ва ташқи кўринишини эмас, балки уларнинг замиридаги маъно, ҳаётнинг абадий моҳиятини фавкулотда, кунимизги образларда мураккаб шакл ва мазмунидаги тафаккур ва тинчликларда акс эттиришидир. Хуллас, бу санъат тури жаҳон маданиятида йирик ҳодиса сифатида тан олинган. Кейинги йилларда кўпгина ёш ўзбек ижодкорлари ҳам модернистик адабиёт анъаналари таъсирида ижод қилмоқда.

XX аср адабий ҳодисаларидан яна бири социалистик реализм адабиётининг вужудга келишидир. Бу ижодий метод асосан аср бошларида Россияда пайдо бўлди. М.Горькийнинг «Она» романини социалистик реализм адабиётининг биринчи намунаси деб аташади. Мазкур методнинг асосий хусусиятларидан бири адабиётни сиёсий тузумга хизмат қилдириш, яъни уни сиёсийлаштириш эди. Бу асосан социализмни ўзига сиёсий тузум қилиб олган мамлакатларда кенг тарқалди. Айниқса, собиқ СССР да адабиёт бутунлай коммунистик партия ғояларининг тарғиботчисига айланиб қолди. Мазкур методга асослаган бадиий асарларда бош қаҳрамон дастлаб онгсиз бўлиб, асар воқиалари ривожда онги ўсиб, революционер даражасига кўтарилиши лозим. Бу методнинг партиявийлик принципи бўйича адабиёт, албатта, бирон — бир партиянинг манфаатларини ҳимоя қилиш керак. Бу эса сўз санъати бўлган бадиий адабиётнинг эркинлигини чеклаб қўйиш деган гап эди. Мазкур методдаги халқчиллик принципи эса бадиий адабиётни соддалаштириб, жўнлаштириб юборишга сабаб бўлди. Синфийлик принципи ҳам адабиёт

тараққиётига салбий таъсир кўрсатар эди. Тарихни синфлар кураши нуқтаи назаридан тасвирлаш, битта халқни иккига ажратиб қўйиб, бир-бирига қарама-қарши қилиб тасвирлаш ҳам яхши натижаларга олиб келмас эди. Натижада ҳаётни бир қолибга солиб тасвирловчи, бир-бирини такрорловчи, бир-бирига ниҳоятда ўхшаш асарлар пайдо бўлишига олиб келди. Аммо шунга қарамай бу методда ҳам дунёга машҳур асарлар яратилди. Масалан, М.Шолоховнинг «Тинч Дон», М. Аvezовнинг «Абай», Ойбекнинг «Навоий» каби асарлари бадиий тафаккур тараққиётининг ривожига катта ҳисса қўшди. Ҳозирги кунда социалистик реализм адабиётининг ютуқ ва камчиликлари чуқур урганилмоқда.

XX асрда реалистик методга асосланган адабиёт ўзининг ўтган асрдаги бой анъаналари таъсирида ривожланиб борди. Бу метод дунёда ажойиб санъаткорларни етишгирди. Реализм методи ҳаётни тўғри ва ҳаққоний тасвирлаши билан бошқа ижодий методлардан ажралиб туради. Реалистик метод бадиий тафаккур тараққиёти тарихида энг кучли ва энг кўп тарқалган методдир. Бу методда XX асрда ҳам катта-катта талантлар ижод қилди. Томас Маннинг «Сехрли тоғ», «Доктор фаустус», Гарсиа Маркеснинг «Юз йил танҳоликда», «Ошқора қотиллик қиссаси» каби асарлари, Жорж Амаду, Астаруас, Эрнст Хемингуэй сингариларнинг Нобель мукофотига сазовор бўлган асарлари бунга мисол бўла олади. Кардош турк ёзувчиси Азиз Несиннинг ҳикоялари ҳам XX аср реалистик адабиётининг катта ютуқлардан бири бўлиб қолди.

XX аср адабиётида Пабло Неруда, Федорика Гарсиа Лорка, Нозим Ҳикмат, Владимир Маяковский сингарилар поэзияда катта кашфиётлар қилди. Уларнинг шеъриятида фикр ва ҳис-туйғу уйғунлашувининг ажойиб томонларини кўрамиз. Эркин, сарбаст вазндаги шеърлар дастлаб ана шу шоирлар ижодида пайдо бўлди. Бу ижодкорлар шеъриятидаги шиддатли руҳий кечинма анъанавий шеърият қолишлари чегарасини бузиб юборди.

Ҳозирги дунё адабиётида гуманистик ғоялар илгари сурилган асарлар ҳам анчагинадир. Бундай асарларда инсоният тақдири ва унинг келажаги ҳақида фикр юритилади. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» каби романлари бундай асарларга мисол бўла олади. Бу романда оддий одамлар тақдири бутун инсоният тақдири билан ҳамоханг равишда тасвирланган Асар қаҳрамонлари ҳаёти, уларнинг орзу-умидлари, ўй-фикрлари бутун дунё тақдири билан боғлаб берилган.


Маънавий барқомол инсонни тарбиялаш адабиётнинг муқаддас вазифаларидан биридир. Илм-фан ва техниканинг ривожланган даврида инсоннинг тарихий фаолиятида табиатни муҳофаза қилиш, маънавиятни сақлаб қолиш каби муаммолар турибди. Хуллас, XX аср адабиёти жуда мураккаб тарихий жараённи ўз бошидан кечирди ва жаҳон цивилизацияси тарихида муносиб ўринга эга бўлди.

Савол ва топшириқлар:

1. XX аср бадний тафаккури тараққиётидаги ўзгаришлар.
2. Модернистик адабиётнинг хусусиятлари.
3. Кафканинг «Жараён» асари ҳақида.
4. Реалистик адабиётнинг ҳозирги ҳолати.

Адабиётлар:

1. О.Шарафиддинов. «Инсон йўл излайди». «ЎзАС» газетаси. 1996 йил, 26 апрель.
2. А.Камю. «Исён ва санъат». «Жаҳон адабиёти» журнаси. 1997 йил, 1-сон.
3. Гарсиа Маркес. «Юз йил танҳоликда». Тошкент. 1997 йил.
4. Ч. Айтматов. «Қиёмат» роман. Тошкент. 1997 йил.



III МАВЗУ: ЯНГИ ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ МАЙДОНГА КЕЛИШИ

Режа :

1. Янги адабиёт манбалари.
2. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши.
3. Янги давр ўзбек адабиётида проза.
4. XX аср ўзбек поэзиясининг ўзига хос хусусиятлари
5. Адабиёт тарихини давраштириш.

Таянч иборалар: *Тарихий муҳим. Ўрта Осиёнинг
Россияга қўшиб олиниши, Ғарб маданияти. Жадид
адабиётида эрк мавзун. Драматургия. Роман.
Поэзиянинг янгилиниши. Реалистик адабиёт.
Давраштириш.*

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ўрта
Осиё Россия томонидан босиб олинди. Кўкон хонлиги
тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон Генерал губернияси
ташқил этилди. Бухоро ва Хива хонликлари Рус
империясининг вассалига, яъни унга қарам ярим мустамлака
мамлакатларга айланиб қолди. Бу воқиялар маҳаллий
халқнинг норозилигига олиб келди. Ўлкада аста-секин рус
истибдодига қарши миллий уйғониш ҳаракати кучая
бошлади. Андижонда Дукчи эшон бошчилигидаги жиҳод
уруши, Тошкент ва Жиззах каби шаҳарларда
мардикорликка олишга қарши исёнлар бўлиб ўтди. Бундай
норозилик ҳаракатлари Туркистоннинг бошқа жойларида
ҳам юз берди. Миллий уйғониш ҳаракатлари оқибатида
ўлкада дастлаб маърифатпарварлик, кейинчалик эса
жадидчилик ғоялари пайдо бўлди. Ижтимоий ҳаётдаги бу
ўзгаришлар янги ўзбек адабиётининг пайдо бўлишига сабаб
бўлди.

Туркистон ўлкаси Россиянинг мустамлакасига
айланиши салбий оқибатларга олиб келди. Мамлакатнинг

моддий ва маънавий бойликлари талон-тарож қилинди. Ўлкада руслангириш сиёсати олиб борилди. Мусулмонларнинг эски урф-одатлари, маданияти, маънавийлиги обқ ости қилинди, қадрсизланди. Ўлкамиздаги энг ҳосилдор ерлар маҳаллий аҳолидан тортиб олиниб, Россиядан кўчиб келган мужикларга берилди. Лекин шу билан бирга, руслар Ўрта Осиёга Европа маданияти, илм-фан ва техника янгиликларини ҳам олиб келган эди. Бу даврга келиб Ўрта Осиёда ўзбекча газета ва журналлар чиқа бошлади, типографиялар, театрлар, клублар, кутубхоналар фаолнинг кўрсата бошладилар. Рус-тузем, гимназия Туркистонни мактаблар очилди. Ўтган асрнинг охирида Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўл қуриб битирилди. Рус ва чет эл адабиётининг айрим намуналари ўзбек тилига таржимаси қилина бошланди.

Ижтимоий ҳаётдаги ана шундай ўзгаришлар ҳам янги ўзбек адабиётининг вужудга келишига асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди. Ўзбек зиёлилари аср бошларида туркий тилда сўзлашувчи кардош халқлар билан алоқани янада ривожлантирди. Турк, озарбойжон ва татарлар билан ҳар тарафлама маданий алоқалар ўрнатилди. Янги ўзбек адабиётининг вужудга келишига ана шу халқлар адабиётининг таъсири ҳам кучли бўлди. Булардан ташқари янги адабиётнинг шаклланишида ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётининг ҳам самарали таъсирини таъкидлашимиз керак.

Жадиличилик ҳаракати тусфайли халқ онгида янги ғоялар пайдо бўлди. Булар асосан мустақил Туркистон учун кураш ғояси эди. Лекин мустақилликка эришиш учун халқ даставвал саводли ва онгли бўлиш керак. Жаҳолатда қолган, қолоқ, саводсиз халқ билан эрк ва озодликни қўлга киритиш бўлмайди. Шунинг учун халқни дастлаб саводли ва маърифатли қилиш лозим, деган фикрлар билдирилди. Бундай улкан ғояларни амалга ошириш учун мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш лозим. Уларда диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитилиши керак,

деган талаблар билан чиқдилар. Ўзбек адабиёти ана шушай
янги ғояларни кўтариб чиқди.

Янги ўзбек адабиёти драматургиядан бошланди. Бунинг
асосий сабаби ўша даврда драматик театрлар асосий
тарғибот воситаси ролини ўтар эди. Халқнинг кўпчилиги
қисми саводсиз, китоб ва газеталарни ўқиш ҳаммага ҳам
насиб қилавермасди. Театрдаги томоша овом халққа катта
тарғибот мактабини ўтаб, уларнинг онгини оширишга
хизмат қилар эди. Шунинг учун жаҳид ёзувчилари саҳна
асарлари ёзишга кўпроқ интилдилар. Айрим тадқиқотчи
олимларнинг фикрича 1910-1917 йиллар орасида 50 дан
зиёд драматик асарлар ёзилган. Бу асарларнинг кўпчилиги
маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилди.

Биринчи ўзбек драматик асари Махмудхўжа
Бехбудийнинг «Падаркуш» драмасидир. Бу асар 1911 йилда
ёзилган бўлиб, 1913 йилда нашр этилди ва
саҳналаштирилди. Асардаги бош ғоя маърифатни улуғлаш,
жаҳолатни қоралашдан иборатдир. Бу драмадаги бой, зиёли,
Тантрикул, Тошмурод каби образларнинг ҳар бири халқнинг
бир табақаси вакили сифатида намоён бўлади. Асарда
бойнинг ўғли Тошмурод ўқимай, шим-хунар урмай айш-
ишратга муккасидан берилади, ёмон одамлар билан
хамтовок бўлади. Отаси эса унга бепарво қараб, менинг
давримда ўйнаб қол, деб пулни аямайди. Текин пул унинг
дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборди. Охир-оқибат у
ўз отасини ўлдиради. Драмада шим-хунар урганмасдан, айш-
ишратга берилиб кетган, ўқиш ўрнига вақтини ёмон ишлар
билан ўтказадиган ёшларнинг фожиалари танқид қилинган.

Маълумки, классик адабиётимизда драматик асарлар
ёзилмаган. Бу жанр ўзбек адабиётида XX асрда пайдо
бўлди. Кейинчалик бу жанрнинг комедия ва трагедия каби
турлари ривожланди. Хамза, Фитрат, Чўлпон кабиларнинг
драматик асарлари ҳам жаҳолатга қарши курашда,
янгиликни тарғиб қилишда катта роль ўйнади. XX аср ўзбек
драмасининг ривожланишда К.Яшин, А.Қахҳор
сингариларнинг роли ҳам катта бўлди. Трагедия жанрида

М.Шайхзоданиш «Мирзо Улуғбек», «Жалолиддин Манғуберди» каби асарлар жуда машҳурдир.

XX аср ўзбек адабиётининг ютуқларидан яна бири роман жанрининг шаклланиши бўлди. Бадиий тафаккурнинг ҳажм жиҳатидан ҳам, мавзу кўлами жиҳатидан ҳам энг йирик асари бўлган роман асримизнинг 20-йилларида ўзбек адабиётида вужудга келди. Абдулла Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романи билан дунё адабиётида олтинчи романчилик мактабига асос солди. (Е. Бертельс) Бу ўзбек адабиётининг энг катта ютуқларидан эди. Ўзбек адабиёти ҳам дунёдаги илғор ҳаққлар адабиёти билан тенглашадиган даражага кўтарилди. Ҳозирги кунда адабиётимизда 350 дан зиёд романлар ёзилган.

Реалистик ҳикоя жанрига асримизнинг 30-йилларида катта эътибор берилди. А.Қаҳҳорнинг ўтмиш ва замонавий мавзуда ёзилган ҳикоялари адабиётимизда бу жанрларнинг қарор топишига асос бўлди. Унинг «Майиз емаган хотин», «Бемор» сингари ҳикоялари жаҳон ҳикоячилигидаги энг машҳур асарлари билан тенглаша олади. Кейинги йилларда ҳикоя жанрининг ривожланишида С.Аҳмад, Ш.Холмирзаев, У.Ҳошимов, Н.Эшонкул сингари ижодкорларимизнинг катта ҳиссалари бор.

Ўтмиш адабиётимизда поэзия етакчи мавқени эгаллаган. Айниқса аруз вазнида ёзилган традицион жанрдаги поэтик асарлар мумтоз адабиётимизнинг катта қисмини ташкил этган. Бу асарларнинг кўпчилиги ишқ-муҳаббат мавзусида битилган эди. XX асрга келиб эса поэзиямиз ҳам мавзу, ҳам шакл жиҳатидан катта ўзгаришларга учради. Шерият энди нуқул ошиқона мавзуда эмас, балки ижтимоий мавзуда кўпроқ ёзилди. Халқ ҳаёти, дунёда бўлаётган ўзгаришлар унинг етакчи мавзусига айланди. Ижодкорларимиз ижтимоий ҳаётда бўлаётган воқеаларга фаол аралашиб, уларга ҳар доим ўз муносабатини билдириб турди. XX аср ўзбек шериятини ривожлантиришда Чўлпон, Х.Олимжон, Ғ.Ғулом, У.Носир, Миртемир, А.Орипов, Э.Воҳидов, Р.Парфи каби

шоирларимизнинг хиссаси катта бўлди. Традицион дostonчиликдан фаркли ўларок, реалистик дostonчиликка хос Х.Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон», Миртемирнинг «Сурат», Э.Воҳидовнинг «Рухлар исёни» сингари дostonлари XX аср ўзбек адабиётининг гўзал намуналари бўлиб адабиёт тарихида қолди.

Шеърятимизда фольклор анъаналарининг кўплаб қўлланиши, уни халққа янада яқинлаштиришга олиб келди. Халқ кўшиқлари вазнига монанд асарлар битилди, уларнинг тили соддаланиб, сўзлашув вутқига яқинлашди. Мумтоз шеърятимизда аруз вазни етакчилик қилган бўлса, замонавий шеърятда эса бармоқ вазни асосий уринин эгаллади. Шу билан бирга XX аср ўзбек шеърятда эркин вазн ва жаҳон халқлари адабиётининг шеърый шаклларидан фойдаланиб ёзилган асарлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Классик адабиётимизнинг асосий ижодий методи романтизм деб ҳисобланади. Ўтмишда яратилган қаъриб барча асарлар ана шу методга асосланган эди. Уларда ҳаётнинг ўзини эмас, балки ҳаёт ҳақидаги орзу-идеалларини ёзишга кўпроқ эътибор берилган. XX аср ўзбек адабиётининг асосий етакчи ижодий методи эса реализм бўлди. Лекин бу даврда адабиётимиз тараққиётининг каттагина қисми социалистик реализм методи ҳукмронлик даврига тўғри келди. Бу эса адабиётимизда кўпгина салбий ҳолатларнинг пайдо бўлишига сабаб ҳам бўлди.

Тарихдан маълумки, ўзбек адабиёти ўтмишда асосан Шарқ халқлари адабиёти билан чамбарчас алоқада бўлган. Шунинг учун классик адабиётимизда араб, форс ва ҳинд адабиётининг таъсирлари сезиларлидир. XX асрда эса ўзбек адабиётининг алоқалари анча кенгайди. Республикамызда таржимачилик мактаблари вужудга келди. Айниқса мустақилликка эришганимыздан кейин ўзбек адабиётининг алоқалари ҳам биографик, ҳам географик томондан янада кенгайиб бормокда. XX асрда ўзбек ёзувчиларининг ҳам кўплаб асарлари хорижий тилларга таржима қилинди ва катта-катта ютуқларга эришди.

XX аср ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки бу даврда адабиётимизда профессионал адабиётшунослик фани шаклланди. Бадий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг тараққиёт қонуниятлари ҳақида назарий билимлар бурувчи бундай фан классик адабиётимизда йўқ эди. Адабиётимиздаги ўзгаришларни аниқлаб, турли йўналиш ва услубдаги ижодкорларни баҳолаб турувчи, ютуқ ва камчиликларга муносабат биқдирувчи танқидчлар плеядаси пайдо бўлди. Бу эса бадий асарларнинг янада сифатлироқ бўлишига хизмат қилувчи восита бўлиб хизмат қилди. Иззат Султон ва Ҳомид Ёқубовларнинг адабиётимиз ҳақидаги бир қанча илмий асарлари адабиётимизнинг такомиллашувида катта роль ўйнади.

Янги ўзбек адабиётини даврлаштириш бўйича турли фикрлар баён қилинмоқда. Уни турли босқичларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда. Кейинги йилларда адабиётшунос олимларимиз янги ўзбек адабиётини қўлидаги босқичларга ажратиб ўрганишни тавсия қилмоқдалар:

1. Жаҳид адабиёти – 1900 – 1917 – йиллар
2. Октябрь тўнтариши ва фуқоралар уруши даври ўзбек адабиёти – 1917-1930- йиллар
3. 30-йиллар, уруш ва урушдан кейинги йиллар ўзбек адабиёти – 1930-1956-йиллар
4. Турғунлик йиллар ўзбек адабиёти – 1956-1985 йиллар
5. Қайта қуриш ва мустақиллик даври ўзбек адабиёти – 1985 йилдан – бугунги кунгача

Хулоса қилиб айтганда, янги давр ўзбек адабиёти ўзининг турли-туман мавзулари билан ҳам, жанрлар ранг-баранглиги билан ҳам бошқа даврлар адабиётидан кескин фарқ қилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Янги адабиётнинг манбалари.
2. Жадиид драматургияси.
3. Реалистик проза тараққиёти.
4. Поэзия ва танқидчиликдаги ўзгаришлар.

Адабиётлар:

1. Ш.Ризаев. Жадиид драматургияси. Тошкент. 1997 йил.
2. М.Бехбудий. «Надаркуш» драмаси. Тошкент. 1999 йил.
3. М.Кўшжонов. Ўзбекнинг ўзлиги. Тошкент. 1998 йил.
4. Х.Умуров. Адабиёт назарияси. Самарқанд. 2001 йил.
5. С.Мирзаев. Истиқлол даври ўзбек адабиёти. Тошкент. 2000 йил.

IV МАВЗУ: КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ

Режа:

1. Ўзбек насрининг бугунги ҳолати.
2. Роман жанри ва у ҳақидаги мунозаралар.
3. Тарихий -- биографик романлар.
4. Замонавий мавзудаги романлар

Таянч иборалар: Роман жанри ҳақида. Кейинги йиллар романчилиги. Тарихий мавзу. «Сарбадорлар», «Амир Темур» романлари. «Долазор», «Жимжитлик» романлари. О.Мухтор романлари. Замонавий мавзу. Ютуқ ва камчиликлар. «Шайтанат».

XX аср ўзбек адабиётида насрда ёзилган асарлар сатмокли ўринни эгаллайди. Айниқса, 50-йилларда прозаик асарлар ёзиш ўзбек адабиётида етакчи ўринни эгаллаган эди. Ўзбек ёзувчилари ҳаётни кенг ва атрофлича тасвирлашга киришди. Бугунги кунда ҳам прозаик асарлар нашр қилиниши жиҳатидан олдинги уринни эгаллаб турибди. Ҳозирги пайтда, айниқса тарихий мавзуда асарлар ёзишга мейиллик кучайган.

Роман ёзиш дастлаб дунё адабиётида XV асрда Испания ва Францияда пайдо бўлган. Кейинчалик Англия, Германия ва Рус ёзувчилари бу жанрда барақати ижод қилган. Ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» номли романлари билан дунёда олтинчи романчилик мактабига асос солди. Дастлабки ўзбек романлари ҳам тарихий темада битилган эди. Улар тарихимизнинг «энг кир ва жоҳил» даври бўлган XIX аср ҳонликлар замонидаги воқияларни ўзида акс эттирган эди.

Ўзбек романчилигида тарихий мавзуга мурожаат 70-йилларда яна-да кўпроқ кўзга ташланади. Чунки ижодкор ўзи яшаётган даврнинг улкан проблемаларини тасвирлаш учун тарихга мурожаат қилади. Ундан ўзига керакли ҳулосалар чиқаради, уларни бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғлайди. Адабиётшунослар тарихий мавзудаги романларнинг жанр хусусиятларини текшириб, уларни бир неча турга бўлади. Шулардан кенг тарқалганларидан бири тарихий-концептуал романлар бўлиб ҳисобланади. О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романлари ана шу турга киради. Буларда муаллифлар тарихимизнинг маълум давридаги воқияларни тасвирлаб, муҳим ғояларни, концепциялари илгарӣ суради. О.Ёқубов «Улуғбек хазинаси» номли романида халқимизнинг XV асрнинг биринчи ярмидаги ниҳоятда мураккаб ҳаётини чизиб берди. Шох ва олим образи асарнинг асосий етакчи ғоясини ташкил этади. Ҳокимят, мансаб талашиб тўкилган беғуноҳ қонлар, оддий фуқаро ва уламоларнинг аҳволи бу китобда жуда таъсирли

қилиб берилган. Бу эса халқимизнинг ҳозирги кундаги аҳволига ҳам бевосита тааллуқлидир. Зеро, ҳар қандай тарихий асарда ҳам замон воқиаларига муносабат ва ишоралар сезилиб туриши керак.

Мухаммад Алининг «Сарбадорлар» романида ҳам халқ озодлиги учун курашган ваташларварлар образи чизиб берилган. Маълумки, XIV асрда Хурсон ва Моварауннаҳрда муғул босқинчиларига қарши сарбадорлар ҳаракати авж олган эди. Бу ҳаракат иштирокчилари тарихда мисли кўрилмаган ишларни бажарди, яъни оддий меҳнаткаш халқ бирлашиб, зулмага, истибодга қарши жанг қилди. Кўпгина ҳудудларда улар муғуллар доминиатини асдариб ташлаб, бошқарувни ўз қўлига олди. Ана шу озодлик ҳаракати ҳақида совет даврида нотўғри маълумотлар берилиб, улар хато талқин қилинар эди. Қайта қуриш ва ошқоралик даврига келиб, тарихнинг бу қора доғи ҳам кўтариб чиқилди. Натижада, бу воқиалар ҳақида ҳам бадий асарлар пайдо бўла бошлади. Ёзувчи М.А.ли ўзининг икки қисмдан иборат романини шу тарихий воқиаларга бағишлади. Роман ёзувчининг насрда ижод қилган биринчи асари бўлиб, бу асар ғоявий-бадий томондан анча пухта ишланган. Асарда Абу Бакр Калавий, Хўрдак Бухорий, Мавлонзода сингари образлар бирмунча ёрқин чиққан. Адиб тарихий даврнинг бадий картинасини ишонарли чизишга ҳаракат қилган. «Сарбадорлар» романида анча ютуқлар билан бирга, бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, асарга кўпгина тарихий шахслар образи киритилган, лекин улар бадий характер даражасига кўтарила олмаган. Бундан ташқари, китобда саёз тасвир, оддий хабарга ўхшаш жумлалар, баёнчилик каби нуқсонлар ҳам анчагина ўрин эгаллайди.

Тарихий мавзуда ёзилган романиларнинг яна бир тури тарихий-полифоник романлар деб аталади. Маълумки, полифония сўзи, кўп қатламли, кўп овозли деган маъноларни билдиради. Айрим тарихий асарларда жуда кўп ижтимоий-ахлоқий муаммолар кўтарилиб чиқилади. Муаллиф улар ҳақида бир фикрни эмас, балки кишининг

уйлатадиган кўплаб фикрларни билдиришга ҳаракат қилади. Бундай асарларнинг марказига битта эмас, балки бир неча қаҳрамон кўйилади. Бу қаҳрамонларнинг саргузаштлари паралел равишда тасвирланиб борилади. Бу эса ёзувчига ҳаёт муаммоларини янада кенгрок ва чуқуррок тасвирлашнинг имконини беради. Ана шундай асарлардан бири О.Ёқубовнинг «Қўҳна дунё» романидир. Бу романда ёзувчи узок ўтмишни қаламга олган. Буюк ватандошларимиз Ибн Сино билан Беруний яшаган давр ҳақида бугунги кунда ўқувчига маълумот бериш муаллифдан жуда катта билим ва маҳоратни талаб қилади. Ёзувчи бу олимларнинг ҳаётини хронологик тасвирлаш йўлидан бормай, уларнинг бор-йўғи бир ойлик ҳаётини акс эттиради. Ана шу бир ойлик ҳаёт тасвирида ўқувчи олимларнинг ёшлиғи, уларнинг камолатга етишган пайти ва улар яшаган катта бир давр картинасини кўришга муяссар бўлади ва кўплаб тарихий ва тўқима образлар билан ҳам танишади. Китобда Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Ғазнавий каби бир нечта бош қаҳрамонлар бор. «О.Ёқубов тарихни худди кўриб туради, тарих билан бахслашади, замондошларига узок, ўтмиш тажрибаларидан гувоҳлик бераётгандек бўлади. У тарихга бугунги кун нуқтаи назаридан қарайди». (С.Азимов).

Тарихда ўтган машҳур кишилар ҳаётидан ёзилган романлар тарихий-биографик романлар деб аталади. Буларда тарихий шахслар ҳаёти ўзи яшаган даврнинг бутун мураккабликлари билан берилади. Натижада ўша давр ва унда яшаган инсонлар ҳақида китобхонда ёрқин тасаввур пайдо бўлади. П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи бу жанрнинг яхши намуналаридан биридир. Роман 70-йилларда ёзилган бўлса-да, китобхонлар бу асарни 80-йилларнинг иккинчи ярмида ўқишга муяссар бўлди. Чунки бу китоб ўша даврдаги тузум томонидан ман этилган эди.. Уларнинг фикрича, бу роман социалистик тузум мафкурасига мулқок тўғри келмас экан. Албатта, бу фикр ғайри илмий, нотўғри фикр эди. Асарда Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг саргузаштларга тўла ҳаёти ўзи яшаган давр билан боғлаб

тасвирланган. Ушбу асарнинг мантикий давоми сифатида ёзилган «Авлодлар довоми» номли роман ҳам тарихий-биографик характерга эга.

✓ Х.Фулумнинг «Машраб» романи ҳам тарихий-биографик жанр талаблари асосида ёзилган. Асарда машхур шоир Машрабнинг ҳаёти тарихий нуқтаи назардан ёритилишга ҳаракат қилинган. Лекин бу асар унчалик муваффақият қозонмади. Чунки бош қаҳрамон характери ўзи яшаган давр билан ҳамоҳанг бўлиши яхши таъминланмаган. Шоир мансуб бўлган тасаввуфнинг қаламдарлик тариқатлари ва у яшаган мураккаб тарихий шароит старлича тасвирланмаган. Романда Машраб Тути номли қизни севиб қолгани, асосий тасвирлар ана шу сеғги мажораларининг талқинига бағишланган. Тарихий шахсни ўзи яшаган давр билан боғлаб берилмаганлиги учун мазкур асар муваффақиятли чиқмади. Бу ҳақда адабиётшуносликда ҳам анчагина фикрлар баён этилди.

Б.Аҳмедов «Амир Темур» номли романи билан ўзбек адабиётида роман-хроника жанрини бошлаб берди. Мазкур роман уч қисмдан иборат бўлиб, улар «Улусдаги беқарорлик», «Эл-юртнинг омонлиги деб», «Жаҳонгирлик қисмати» деб номланган. Асарда персонажлар сони жуда кўп бўлиб, улар 700 дан ошиб кетади. Шу билан бирга бу асарда ҳаддан ташқари кўп архаик ва тарихий терминлар, сўзлар ишлатилган. Китобнинг ўзида 400 га яқин сўзнинг изохи берилган. Роман ҳақида адабиётшуносликда турли фикрлар мавжуд. Асарнинг тили яхши ишланмаган, гализ жумлалар кўплаб учрайди, тарихий фактлар яланоч берилган, бадиий асардан кўра кўпроқ илмий асарга яқин, деган фикрлар ҳам айтилмоқда. Асарда турли ривоятлар, дидактикага оид кўплаб ҳикматлар ҳам учрайди. Масалан, Зухро ва Муштарий юлдузларининг бир-бирига яқинлашувида дунёда бир буюк инсон туғилади, деган ривоятга мисол қилиб Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад пайғамбар, Амир Темурларни кўрсатади. Чунки бу буюк инсонларнинг туғилган йилларида ана шу юлдузлар бир –

бирига яқинлашган экан. Романда келтирилган хикматли фикрлар бугунги ҳаётимиз учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Масалан, ҳукмдорлар обрўининг кетишига асосан учта нарса сабаб бўлади дейилади. Булар қуйидагилардан иборатдир:

1. Мамлакатнинг ҳақиқий аҳволи подшоҳдан яширилганда.
2. Халқ ўз подшоҳига нафрат билан қараш руҳида тарбияланганда.
3. Солиқ йиғувчиларнинг зулми ортиб кетганда.

Бу хикматли гаплар фақат XIV аср учун хос бўлмасдан, балки бугунги кунимиз учун ҳам ниҳоятда актуалдир.

Ёш Темур дастлаб муғуллар хизматига келиб, улар ичидан ўз тарафдорларини топади. Душманни ҳар тарафлама чуқур урганади. Туронни муғуллардан озод қилиш учун муракаб кураш йўлини танлайди. Асарда сарбадорлар, Тухтамишхон, Амир Ҳусайн, Мирсаид Барака, Шариф Журжоний сингариларнинг образлари ҳам дуруст чиққан. Яссавий таълимоти, унга Амир Темурнинг муносабати, Яссавий макбараларининг қурилишлари ҳам кенг тасвирланган. Юқорида айтилган айрим камчиликларга қарамасдан, асар ўзбек романчилигининг тараққиётида катта янгилик бўлди.

« Ҳозирги кунда С.Сиёеванинг «Аҳмад Яссавийнинг сўнгги сафари» номли тарихий роман ҳам адабиётшуносликда яхши баҳоланмоқда. Бу романда Аҳмад Яссавий ҳаётининг икки-уч ойлик вақти тасвир объекти қилиб олинган. Ёзувчи ана шу вақт тасвирида шоир ҳаёти ва ижтимоий тузум ҳақида кенг маълумот беришга эришган. Муслмончиликнинг бешта шартидан бири ҳажга бориш маросими тасвирлари жуда қизиқарли берилган. Инсон руҳининг поклиги, соғломлиги, ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтиш мумкин эканлиги асарда жуда ишонарли мисоллар билан ақс эттирилган.

Асарда Султон Санжар, Аҳмад Яссавийнинг турмуш ўртоғи Руқия, Қизлари Шахноз ва Гавхарой, ўғли Иброҳимларнинг ҳам образлари анча дуруст чиққан. Маълумки, дастлаб Ислом дини халққа араб ва форс тилларида тушунтирилган. Аҳмад Яссавий эса диннинг моҳиятини халқига ўз она тилида тушунтиради. Бу билан шоир ислом динининг чуқур тоғир отишига ва туркий халқлар орасида кенг ёйилишига катта ҳиссасини қўшди. Романда Яссавийнинг мусулмон миллати олдидаги ана шу буюк хизмати ҳам завқ билан тасвирланган. У бутун ҳаёти давомида жаҳолатни, ноодонликни қоралаб келган. У ноодонликдан ҳатто дўзах ҳам безор, деган фикрларини ўзининг ҳикмат даражасига кўтаришган шеърларида кўп такрорлаган. Романда ана шундай нодон кимсалар Рухниддин, Маҳмудхон, Ашрафхон, Мавтудларнинг образлари ҳам келтирилган. Асарда одамгарчилик, инсоф, адолат ҳар қандай мол-давлатдан, ҳатто подшоҳликдан ҳам юкори туради, деган ғоя ҳукмрон. Масалан, Маҳмудхоннинг ўғли Қутбиддин Яссавийнинг шоғирди бўлган, устози айтганлари, унинг панд-насихати шоғирд учун қонун. Қутбиддин шоҳликни рад этади, оддий, камтар бўлиб яшашни афзал қўради. У отасининг халққа ўтказиб берган зулмларидан оқ қилади, унга қарши боради, шунинг учун у дарвешлик йўлини танлайди, устозига содиқ қолади. Асарда яссавийнинг туркий халқларни бирлаштиришдаги хизматлари ҳам яхши берилган. Мусулмонлик урф-одатлари, суфийликнинг қонун-қоидалари, зикр тутиш каби одатлар ҳақида ҳам ўқувчи кенг маълумотларга эга бўлади. Х.Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» романи эса тарихий-саргузашт романга мисол бўла олади. Буни биринчи ўзбек дедиктив романи деб ҳам атамоқда. Хуллас, тарихий мавзуда роман ёзиш кейинги йиллар ўзбек адабиётида янада ривожланиб бормоқда.

✓Замонавий мавзу деганда биз яшаб турган давр ҳақида ёзилган асарларни кўзда тутишимиз керак. Маълумки, ёзувчининг ўзи яшаб турган давр ҳақида асар ёзиши жуда

мураккаб ва мушкул ижодий ишлардан биридир. Чунки ҳозирги муҳим ва долзарб кўринган масалалар эртага ўз мавқеини йўқотиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ижодкор бу масъалада жуда хушёр ва келажакни кўра биладиган иқтидорга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, ёзувчи давр ҳақидаги ҳукмларини бошқаларга ҳам ишонарли қилиб етказиб билиш қобилиятига эга бўлиши керак. У замондошимизнинг образини яратганда, уни ҳаққоний аке эттиришга эришса, бундай асарларнинг умри узоқ бўлади.

XX аср адабиётимизнинг маълум даврларида **ёзувчиларимизни мажбуран** замонавий мавзуда асарлар ёзишга чорлаган вақтлар ҳам бўлди. Улар замоннинг қандай бўлишидан қатъий назар, уни нуқул мақтаб, ютуқларини бўрттириб кўрсатиши, камчиликлари ҳақида эса ҳеч гап айтмаслиги лозим эди. Бу охир-оқибатда «Конфликтеизлик назариясини» келтириб чиқарган эди. Ҳозирги даврда эса ижодкорларимиз бу хил тазйиқлардан озод бўлган. Ким қайси мавзуда хоҳласа, ўша мавзуда асарлар ёза бериши мумкин. Лекин даврни нуқул мақтаб ёзиш балосидан қутулиш анча қийин кечмоқда. Бугунги кунда ҳам айрим ижодкорларимизнинг яратган асарлари кўпгина мақтовлардан иборат бўлмоқда. Аммо мадҳиябозликдан қутулиб, ҳаётни тўғри ва ҳаққоний аке эттираётган асарлар ҳам кўпаймоқда. «Турғунлик даври» деганда биз асосан ёримизнинг 60-йилларидан то 1985 йилларгача, яъни қайта қуриш давригача бўлган даврни тушунамиз. Тарихимизнинг ушбу даври ҳам ниҳоятда мураккаб, турли чалкашликларга тўла даврлардан бири эди. Кўзбўямачилик, кўшиб ёзиш, пахта монокултураси, ошна-оғайингарчилик, порахўрлик ниҳоятда авжга чиққан эди. Иқтисод ҳам, маънавият ҳам, маданият ҳам-ҳаммаси юқоридан туриб бошқарилар, халқнинг фикри билан ҳисоблашмас эди. Пахта яккахокимлиги натижасида юртимизда бир томонлама ривожланиш юз берди ўзбек халқининг бутун тақдири пахта билан боғланиб қолди. Булар эса Республикамызда

экологиянинг бузулиши, келажак авлодлар тақдири муаммосини чиқарди.

Ана шу давр иллатларини фош қилиш ниятида М.М.Дўстнинг «Лолозор» романи яратилди. Асарда рамзий образлар воситасида турғунлик даври раҳбарларининг кирдикорлари фош этилади. Санц Аҳмаднинг «Жимжитлик» романида эса яқин ўтмишимизда жуда кўп шов-шувларга сабаб бўлган воқиялар асосий материал қилиб олинган. Маълумки, «Ўзбеклар иши» деган гап билан миллатимизни бадном қилиш учун ёлғон айблар билан кўпгина пок ниятли одамларимизни камокқа тортган эди. Кейинчалик бу ишлар атайлаб уюштирилгани маълум бўлди. Ана шу жараёнда аввалги раҳбарлардан Ш.Рашидов, Б.Усмөнхўжаев, Аҳмаджон Одилов сингариларнинг номи кўп тақдорланди. С.Аҳмад ўзининг «Жимжитлик» романида ана шу раҳбарларнинг образларини чизиб берди. Буларнинг ҳаётдаги прототиплари юқоридаги кўрсатилган раҳбарлар эди. Лекин бу романда салбий образ қилиб кўрсатилган раҳбарларнинг кўпчилиги Республикаимиз мусоқақилликни кўлга киритгандан сўнг оқланди. Шунинг учун ёзувчи сиёсий воқияларни тасвирлаганда жуда эҳтиёт бўлиши лозим.

Ҳозирги даврда ёзилаётган замонавий романларда халқимизнинг шўро давридаги ҳаётини тўғри тасвирлаш кўзга ташланмоқда. Маълумки, аввалги романларда совет даври нуқул макталиб келинган эди. Кейинги йилларда яратилган Ш.Холмирзаевнинг «Ола бўжи», Ў.Хошимовнинг «Тушда кечган умрлар», Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» каби романлари эса турғунлик даврининг бадий инъикосини ҳаққоний кўрсатиши билан ажралиб туради. Бу асарлар ўзбек халқининг XX асрдаги ҳаёти ҳақида, шўро тузумининг ҳақиқий моҳияти тўғрисида бизга кўпгина маълумотлар беради.

Т.Малик «Шайтанат» романи билан ўзбек дедиктив асарларининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Маълумки, ер юзида беш-олтига миллий адабиётларда

21

дедиктив жанри бор. Уларнинг кўпчилиги бир-бирига ўхшайди. Бизда собиқ совет даврида дедиктив асарлар тараккиётига социалистик реализм методи тўсиқ бўлди. Чунки социализмда ўғрилар, қотиллар, жиноятчилар, кашоблар бўлмайди, булар ўтмишдан қолган, капитализмнинг иллати, деган тушунчалар ҳукмрон эди. Агар бирон-бир ёзувчи социализмдаги иллатларни, салбий воқияларни ўз асарида аке этгирса, уни замонни бузиб кўрсатаётир, деб айблар эди.

«Шайтанат» романининг ёзилиши ҳақида Т.Малик шундай дейди: «Ҳаёт турфа ранг. Кўзни яшнатиб, дилга қувват берувчи чиройли ранглар ҳам. Кўнгилини вайрон қилувчи қора ранглар ҳам бор. Авваллари қора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди. Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора кучларига қарши курашга жазм этдим».

Асарнинг бош қаҳрамони Асадбек жиноятчи тўдаларнинг бошлиғи, жиноят оламининг жуда эътиборли машҳур шахсидир. Лекин Асадбекнинг кўпгина ишларини китобхон маъқуллайди. Қоримуллони у ёмон кўради, чунки у «Оятул курси»ни ёд ололмай, иккита кичик сура билан таъмагирлик қилади. Асадбек Кавказга бориб, ўз отасининг қотилидан ўч олади, номардлик қилган, ўта товламачи жиноятчилардан айримларини ўзи жазолайди. Асадбекнинг бундай ишларига ўқувчи хайрихохлик билдиради. У мачитга бориб номоз ўқишни орзу қилади, мачит қурилишларига ёрдам қилади. Демак, дин, имом ҳар қандай инсонни қайта тарбиялашда кагта аҳамиятга эга. Буни ёзувчи маҳорат билан кўрсатиб беришга эришган.

Ш.Холмирзаевнинг «Динозавр» романи замонавий темада ёзилиб, унда бугунги кунимизда содир бўлаётган воқиялар тасвирланган. Роман персонажлари ҳам бизнинг бугунги замондошларимиз бўлиб, улар турли касб эгаларидир. Шахло совет даврида мохир актёр эди, бугунги кунда эса у чет мамлакатлардан товар олиб келадиган

тижоратчига айланган. Кечагина совет болалар шоири хисобланган Афзал ака бугун мачитда имомлик қилади. СССР тарихи ўқитувчиси, коммунист Тохиров бугун катта бизнесмен, фирма эгаси. Одамлардаги бу ўзгаришлар қандай содир бўлди, китобда ана шунга жавоб излашга интилиш бор. Асарда фақат Қуюн ака аввал қандай деҳқон бўлиб кийналган бўлса, бугунги кундаги аҳволи авалгидан ҳам баттарроқдир. Бу ҳам асарда ўзига хос жумбоқ бўлиб қолади.

Асарнинг беш қаҳрамони Маҳкам қатби пок инсон бўлиб, у совет даврида анча кийналган. Ўша тузум туфайли отаси қамокда вафот этади. Лекин Маҳкам бугунги тузумни ҳам қабул қилолмайди. У нима учундир ўтмишни кўмсайди. Истиқлолдан қувонади, лекин нима учундир бу мустақиллик унинг кўнглида норозилик пайдо қилади. Айниқса, одамлар ўртасидаги бир-бирига муносабат, ҳамма нарсанинг хисоб-китоб, пул, манфаат асосида кўринишини Маҳкам хазм қилолмайди. Балки бу ўтиш даври иқодкорларидаги бўлаётган кечинмалардир. Улар янги замон ўзгаришларини кийинчиликлар билан қабул қилаётти. Бизнингча, қуруқ мадҳиялардан кўра янги давр одамларини, улардаги ўзгаришларни шу хилда кўрсатиш фойдалидир.

А.Иброҳимовнинг «Уйку келмас кечалар» романи бугунги ҳаётимиз ҳақида ёзилган. Асар беш қаҳрамони Фаҳри Камол. У зиёли, олим ҳамда яхшигина ёзувчи ҳамдир. Жамиятда катта мавқега эга. Лекин унинг оилавий аҳволи яхши эмас. У иккинчи хотин қилиб Ёкутхонни олади, уни самимий севади. Лекин Ёкутхон Ф.Камолнинг обрўидан фойдаланиб, ўз фирмасини тиклаб олишга интилади. Ёкутхон ахлоқан тубан аёл образидир. Романда Марғуба образи ҳам анча пухта ишланган. Бу образ орқали ҳозирги пайтда пул кетидан қувиб, ўзининг инсоний қиёфасини йўқотаётган, фаҳш кўчасига кириб кетаётган аёлларнинг асл қиёфаси чизилган. Романда барча замонларда ҳам муҳим ва ўзига хос муаммоларга тўла оила мавзуи маҳорат билан ёритилган.

О.Мухторнинг «Тепаликдаги хароба», «Кўзги олдидаги одам», «Афлотун» Ғ.Хатомовнинг «Янги ой чиққан кеча» каби романилари Ғарб модернистик адабиётига эргашиб ёзилган романлардир. Бу асарларда рамзийлик биринчи ўринда туради. Турли тимсоллар билан яшаб ўтган ва яшаётган замондошларимизнинг бадиий образлари чизилган. Замонавий темада ёзилган романларда муваффақиятлар билан бирга, анчагина камчиликлар ҳам мавжуд. Жумладан, Мирмухсиннинг «Илон ўчи», Э.Самандарнинг «Тангри қудуғи» каби романиларида декларативлик, серганглик, публицистик мақолага хос баён қилиш услуби каби нуқсонлар учрайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбек романчилигининг шаклланиш жараёни.
2. Кейинги йиллар ўзбек тарихий романчилиги.
3. Замонавий мавзудаги романлар.
4. Тоғай Муроднинг «Отандан қолган далалар» асари.

Адабиётлар:

1. С.Мирвалиев. Ўзбек романи. Тошкент. 1969 йил.
2. С.Мирзаев. Ўзбек романчилиги. Тошкент. 1998 йил.
3. У.Норматов. Бугунги насримиз тамойиллари. «Жаҳон адабиёти» журнали. 1997 йил. 3-сон.
4. Б.Ахмедов. Амир Темур. Роман-хроника. Тошкент. 1997 йил.

V МАВЗУ: КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР ҲИКОЯЧИЛИГИ ВА ҚИССАЧИЛИГИ

Режа:

1. Ҳикоя жанри ва унинг ўзбек адабиётидаги ривож.
2. Кейинги йиллар ўзбек ҳикоячилиги.
3. Маънавий-ахлоқий ва сатирик ҳикоялар.
4. Ўзбек қиссачилигидаги муаммолар.
5. Кейинги йиллар қиссачилиги.

Таянч иборалар: *Ҳикоя, жанр хусусияти, кейинги йиллар ҳикоячилиги. А.Мухтор, Ш.Холмирзаев, Н.Эшонқул ҳикоялари. Модерн ҳикоялар. Реалистик ҳикоячилик. Қисса жанри ҳақида. Ҳужжатли қиссалар.*

Маълумки, ҳикоя жанри эпик тур жанрларидан бўлиб, кичик ҳажмли асардир. Бунда инсон ҳаётидан олинган муҳим бир воқиа тасвирланади. Ёзувчи кичик бир эпизод воқиани танлаб олиб, уни типиклаштириб тасвирлайди. Ҳикояда характерлар тайёр ҳолда кириб келиб, худди шундай чиқиб кетади. Воқиаларнинг аввалги ва кейинги ҳолатлари ҳақида ҳам кўпинча ёзилмайди. Ҳикоя латифага нисбатан катта, қиссага нисбатан кичик жанрдир.

XX асрда ўзбек адабиётида реалистик ҳикоячилик шаклланди. Бунга асосан классик адабиётимиздаги ахлоқий-таълимий ҳикоячилик билан бир қаторда Европа адабиётидаги новеллачиликнинг таъсири катта бўлди. А.Кодирий, Чўлпон, Ғ.Ғуллом, А.Қахҳор, С.Аҳмад сингарилар ўзбек ҳикоячилигининг машҳур усталари деб тан олинган.

Кейинги йиллар ўзбек ҳикоячилигида Ш.Холмирзаев, Ў.Хошимов, Н.Аминов, Х.Султонов сингари ижодкорлар катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда таққиланган мавзуларнинг йўқлиги сабабли ҳикоялар турли мавзуларда ёзилмоқда. Ҳаётни тўғри ва ҳаққоний тасвирлашга интилиш кучайиб

бормокда. Адибларимиз диний маърифий, тарихий ва фуқаролик уруши мавзуларида кўплаб ҳикоялар ёзмокда. Ҳозирги пайтда маънавий-ахлоқий ҳикоялар нисбатан кўпроқ ёзилаётир. А.Мухторнинг «Фано ва бақо», Ш.Ҳолмирзаевнинг «Фарзанд», «Кимсасиз ҳовли», У.Азимнинг «Бировнинг умри», «Севги» каби ҳикоялари мазкур мавзудаги энг яхши асарлардир.

М.Махмудовнинг «Орифи маоний» ҳикояси XV аср тарихидан олиб ёзилган. Ҳиротда Саид Хасан Ардашер хондониди бўлиб ўтган бир суҳбат ҳикояга асосий деталь қилиб олинган. Бу суҳбатда ёш Алишер Навоий ҳам қатнашади. Май ичишнинг гуноҳи ҳақида сўз қетганда, сўфийлардан бири шундай гапларни айтди: «Тўғри, май ичиш гуноҳ, лекин одамларга жабр этишдан бу яхшироқдир. Подшоҳлар мастлиги билан риндлар мастлиги орасида катта фарқ бор», дейди. Бу билан ёзувчи одамларга зулм ўтказиш энг гуноҳларнинг каттаси, инсонга яхши муносабатда бўлиш керак деган ғояни кўтариб чиқмокда. Х.Дўстмуҳаммаднинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган номози» номли ҳикоясида эса шу пайтгача «босмачи» тамғаси билан қораланиб келган кўплаб миллатпарварларнинг образи тарихий ҳақиқат томонидан кўрсатилган. Миркомилбойни шурулар босмачиларга қурол сотиб олиб бердинг деб ўзига чоҳ қаздириб, отиб ташлаган. Р.Рауповнинг «Иймон минораси» номли асарида эса тарихий шахс Файзулла Хўжаевнинг образи салбий томондан кўрсатилган. Гап шундаки, эълон қилинган янги ҳужжатлар асосида Ф.Хўжаев Бухорони большевикларга соғди, деган хулоса чиқади. Ёзувчи ана шу ҳужжатлар асосида Ф.Хўжаевни миллат душмани қилиб кўрсатган. Ҳикояда тарихий ҳужжатлар, фактлар бадиий томондан қайта ишланишда анча қусурларга йўл қўйилган. Бу эса ҳикоянинг бадиийлигига анча салбий таъсир қилган.

80-йиллар ўзбек насрига бир қатор ёш истеъдодлар кириб келди. Назар Эшонкул, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хамид Маллаев кабилар ҳикоячиликда янги оқим сифатида пайдо бўлди. Булар Фарб адабиётидаги модернизмдан

ижодий фойдаланиб асарлар яратди. Психологик таҳлили кучли бўлган ҳикоялар вужудга келди. Назар Эшонқулловнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикоясида умри бемаъни мақсадларда ўтган одам фожияси берилган. Бунда ёзувчи коммунизм тузамиз деган ғояга ишонган одамларнинг қисматини рамзлар билан беради. 1996 йили Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Н.Эшонқулловнинг «Шамолни, тутиб бўлмайди» ҳикоясини йилнинг энг яхши ҳикояси деб топиб, унга мукофат берди. Ҳақиқатдан ҳам бу ҳикоя ҳар тарафлама пишиқ ёзилган. Бунда Байна момонинг узоқ йиллар эри ва ўзининг ўчини олиш учун олиб борган кураши кўрсатилган. У эрининг қотиши Замон отбоқарни ўлдирди ва ўзи ҳам ўлади. Момонинг эри Раҳим полвон бутун музофатнинг гурури эди. Уни шуролар кулсқ қилди ва кейин отиб ташлади, қишлоқ аҳли эса ўзининг шундай фарзандларини сақлаб қололмади. Н.Эшонқулловнинг «Ҳаёт тузоғи», «Шарпа», «Истило» сингари ҳикоялари ҳам таланг билан ёзилган ҳикоялар сифатида танқидчиликда яхши баҳоланди.

С.Вафонинг «Ўлим кўрғони», «Сулаймон узуги», Учқун Назаровнинг «Ёнғин», «Инжил» каби ҳикоялари ҳам кейинги йиллар ўзбек ҳикоячилигининг катта ютуқларидан бўлди. «Ёнғин» ҳикоясида инсоннинг тубанлашиш жараёни, унинг ўзига қай тарзда сезилмасдан содир бўлиши кўрсатилади. «Инжил» ҳикоясида эса йўқчиликдан инсоннинг хўрланиши, иродасизлик туфайли ичкиликка берилиб кетган кишининг қисмати кўрсатилган. Тирикчилик ташвишлари олдида иложсиз қолган муаллим Саттор аканинг изтиробли қиёфаси ҳикояда жуда ишонарли берилган. Ўқувчи бу муаллимнинг қисматига жуда ачинади, ҳатто унга қандай ёрдам бериш мумкин деган хаёллар бошидан кечади.

Ш.Холмирзаевнинг «Хорун ун-Рашид», «Қадимда бўлган экан», «Қўқ денгиз». С.Вафонинг «Маҳзуна» каби ҳикоялари ҳам адабиётимизнинг катта ютуқларидан бўлди. Бу ҳикояларда эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик

хақида жуда ибратли фикрлар келтирилган. С.Аҳмад, Н.Аминов, Т.Адашбоевлар сатирик хикоялар ижод қилишмоқда. Н.Аминовнинг «Чол боланинг эртаклари» номли туркум хикояларида шўх, кувноқ кулгу билан жамиятимиз учун муҳим бўлган проблемалар кўтариб чиқилган.

асра Баъдий адабиётда романдан кейин салмоқли ўрин эгаллаган жанрлардан бири қиссадир. Қисса романнинг бир боби, деб баҳо берган эди. В.Белинский. Қиссада иштирок этган персонажлар сони 4-5 тадан ошмайди. Ўзбек қиссачилигининг пайдо бўлиши ҳақида гапирар эканмиз, унда классик адабиётдаги диний ва халқ қиссаларининг ва Европа адабиётдаги повестларнинг роли катта бўлганлигини таъкидлашимиз лозим. Ўзбек реалистик қиссачилигининг шаклланишида XX аср ижодкорларидан Қодирий, Ойбек, Қаҳҳор сингариларнинг роли катта. Бу даврда яратилган кўпгина қиссаларда коммунистик мафкуранинг таъсири сезилиб турар эди. Лекин муҳитнинг мураккаб бўлишига қарамастан, ҳаёт ҳақиқатини тўғри кўрсатишга интилган қиссалар ҳам кўпшаб ёзилди.

80 -- йилларда рус адабиётида қиссачиликнинг ривожланиши кўзга ташланади. В.Шушкин, В.Тендряков, В.Распутин сингари рус ёзувчилари ва Ч.Айтматов, Г.Абашидзе сингари киргиз, грузин ёзувчиларининг таъсири натижасида М.М.Дўст, Х.Султон, Э.Аъзамов сингари ўзбек ёш прозаниклари етишиб чиқа бошлади.

Кейинги йилларда бир қанча қиссалар ўқувчилар диққатини жалб қилди. Шулардан бири Аъзам Уктамнинг «Хабар» қиссасидир. Бу асарда бир томондан очликдан танг аҳволда қолган кишилар образи, иккинчи томондан тўқликка шўхлик қилаётган кимсаларнинг жирканчли образи карама-қарши қўйилиб тасвирланган. Ёзувчи қисса охирида, бундай элнинг одамлари дилида доим хусумат ҳукмрон бўлади, деб хуласса чиқаради.

Отанининг «Собир қовунчи» қиссаси ҳам маънавий-ахлоқий проблемаларга бағишланган. Асарда мол-дунёга

хирс кўйилса маънавийатни хароб қилиши, оқибатда ҳатто туғишганлар ҳам ўзаро ёвлашиб қолишига ишора қилинган. Маърифат хор бўлса, маънавият қашшоқланса, дин, қонун нафси ўпқон каллоблар кўлида уйинчокқа айланса, мамлакат хароб бўлади. Қиссада мана шу масалалар кўтарилиб чиқилган.

Шодикул Ҳамроевнинг «Қора кун» қиссасида сирли тасвирлар эътиборга лойиқдир. Бу асардаги воқиялар даҳшатли кинолардаги воқияларга ўхшаб кетади. Асарда ўзоқ қишлоқларнинг бирида кетма кет даҳшатли воқиялар юз беради. Фолбин хотиннинг яқкаю ягона ўғли вафот этади, тобут йўқолади, тоғаси жиянининг номусига тегеди, қиз жинни бўлиб қолади, пахта ёғи деб қандайдир заҳарли суюқликларни сотади. Буларнинг барчаси коммунистик тузумда кишиларнинг маънавий жиҳатдан тубанлашуви эди.

Ў.Умарбековнинг «Қизимга мактублар» қиссаси ҳам одоб-ахлоқ мавзуида ёзилган фалсафий қиссадир. Асарда инсоннинг бу дунёда яшашдан мақсади, адолат, эзгулик кабилар ҳақида фикр юритилади. Ёзувчи бу асарини касалхонада ёзган, унинг санокли кунлари қолган, ёзаман деган фикрлари кўп бўлган. Инсон умрининг сўнгги дақиқаларидаги ўйлари, бу дунё ҳақидаги тавба тазарру, ҳаётга муҳаббат, яшашга умидлари тасвирланган ўринлар ўқувчи қалбини ларзага солади.

Н.Аминовнинг «Бир аср ҳикояти» қиссаси эса ёзувчининг отаси тўғрисидаги хотиралардан иборатдир. Бу шахсий ота-бола муносабати эмас, балки бу фоний дунёда инсоннинг қандай яшаб ўтиши, эзгулик, адолат, ҳақиқат учун кураш каби тасвирлар бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Ёзувчининг отаси-уста Амин оддий темирчи уста. У ҳаётда покиза яшаб ўтган инсон. Унинг тилидан келтирилган кўпгина ривоятлар ўқувчиларга ибрат бўлиб хизмат қилади. Масалан, бир ривоятда ёлғиз кампирнинг ягона эчкисини ўғри олиб кетади. Унинг ҳаёти шу эчки орқасидан ўтар эди. Кампир ўғрилари устидан амирга шикоят қилиб борганда, унга амир шундай дейди: «э, энама ухлаб

қолибсиз-да». Камшир эса унга жавобан: «Мен ухлаб қолганим рост, лекин сиз, мамлакат подшоши уйғоқ деб уйлагандим». Бунда юрт бошидаги раҳбарларга жуда катта масъулият юкланганини англашилаётир. Юртбоши доимо хушёр ва сергак бўлиши лозим, у бироз гафлатда бўлса, мамлакат осойишталиги бузилади, жиноятчилар кўпаяди, турли ғаламисларнинг эркин ҳаракатига имкон туғилади.

Оқоб-ахлоқ ҳақида ёзилаётган айрим қиссаларда эса миллий қадриятларимизга тўғри келмайдиган ҳолатлар ҳам тасвирланмоқда. Ўзбек ҳаёқи дунёдаги энг маданиятли халқлардан биридир. Бу ҳаққ ҳақида ёзилаётган асарларда ана шу асос қилиб олинishi керак. М.Махмудовнинг «Қора дўлана» ва Ғ.Ҳатамовнинг «Тоҳир ва Зухронинг кулмаган бахти» асарларида эротик туйғулар ҳаддан ошиб кетган. Бу қиссаларда ҳаёсизлик, бепарда хис-туйғулар очикчасига тасвирланган ўринларга дуч келаемиз. Бундай тасвирлар қандай ҳаётвий бўлмасин, у бадний асарнинг табиатига тўғри келмайди.

Кейинги йилларда ҳажвий ва ҳужжатли қиссалар ҳам кўп ёзилмоқда. Бугунги кунда С.Сиёевнинг «Беш кун мистер бўлганим» номли қиссаси ҳақида танқидчиликда яхши фикрлар билдирилмоқда. Бу асарда чет эллик сайёҳга йўл кўрсатувчи йигитнинг таассуротлари, унинг ўз тилидан ҳикоя қилинади. Чет элликлар кўзи билан ўзбеклар урф-одатларига қараш, кўпгина урф-одатларнинг унутилиб кетгани, ғарб маданиятига кўр-кўрона сиғиниш кабилар танқид қилинган.

Кейинги йилларда ҳужжатли қиссалар ёзиш ҳам одат тусига кирмоқда. Айниқса, тарихий шахсларнинг ҳаётини тасвирлашда бу жанр кўл келмоқда. Хабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида», «Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари», Набижон Бокийнинг «Қатлнома» каби ҳужжатли қиссаларида 1937 йил қатоғонининг даҳшатлари кўрсатилган. Бу эса одамларни яна шундай даҳшатлар рўй бермаслик учун оғахлантиришдир. Кейинчалик

А.Рашидовнинг «Акам хақида». З.Саидпосированинг «Ойбергим менинг» номли қиссалари ҳам пайдо бўлди.

Хуллас, ҳозирги ўзбек адабиётимизда қисса жанри ҳам турли мавзуларда ёзилиб, тарраққий этмоқда.

Савол ва топириқлар:

1. Кейинги йиллар ўзбек ҳикоячилигидаги йўналишлар.
2. Реалистик ва модернистик ҳикоячилик.
3. Қисса жанри тараққиёти.
4. Н.Боқийнинг «Қатнома» қиссаси.

Адабиётлар:

1. У.Норматов. Бугунги насримиз тамойиллари. «Жаҳон адабиёти» журнали. 1997 йил. 3-сон.
2. Ёшлар насри ўз йўлидан боради. Давра суҳбати. «ЎзАС» газетаси. 2000 йил. 4 август.
3. Ҳ.Каримов. Жўмард қалблар. «ЎзАС» газетаси. 2000 йил. 2-сон.
4. Н.Норқобилов. «Қоялар ҳам йиғилади». Қисса. ✓
«Шарқ Юлдузи» журнали. 2000 йил. 1-сон.

VI МАВЗУ: ЛИРИКА ВА ДОСТОНЧИЛИК МУАММОЛАРИ

Режа:

1. Ҳозирги ўзбек шеърияти.
2. Шеъриятдаги йўналишлар.
3. Замонавий шеъриятдаги анъаналар.
4. Ёшлар шеърияти хақида.
5. Достончилик муаммолари.

Таянч иборалар: *Бугунги шеърият. Йўналишлар. Мавзу ранг-баранглиги. Анъаналар. Модерн шеърият. Ёшлар шеърияти. Дастонлар. «Халил Султон», «Сарбадорлар». Янги «Хамса» дастонлари ва танқидчилик.*

✓ Мустақиллик даври ўзбек шеъриятининг мундаржаси турли хил бўлиб, уларда кўпгина шеърият анъаналарининг изини кўришимиз мумкин. ✓ Айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жадид ёзувчиларининг асарлари чоп этилиши натижасида, уларга эргashiш ва улар қўллаган мавзу ва услубларда асарлар яратиш кўзга ташланмоқда. ✓ Хозирги шеъриятимизда Чўлпон ва Фитрат каби шоирларнинг таъсири катта бўлмоқда. Озодлик, эркинлик ва маърифатпарварлик руҳидаги шеърлар ёзилмоқда. ✓ Маълумки, кейинги йилларда шу пайтгача нашр этилиши ман этилган, «диний-мистик» деб айбланган адабиёт вакиллариининг асарларини ҳам нашр қилиш кенг планга қўйилди. Классик адабиётимиздаги кўпгина унутилган, ман қилинган асарлар ҳозир қайта тикланмоқда. Ана шуларнинг таъсири ҳозирги давр ўзбек шеъриятига кириб келмоқда. Айниқса, тасаввуф фалсафасига оид шеърлар ёзиш одат тусига кириб бормоқда. Албатта бу шеърларнинг барчасини муваффақиятли деб бўлмайди. Чунки ҳали кўпгина ижодкорларимиз тасаввуф фалсафасининг ҳақиқий моҳиятини тушуниб етганича йўқ. Шунинг учун уларнинг ёзган асарлари худо ва пайғамбарларга бағишланган курук мақтовлардан иборат бўлиб қолмоқда. Бу соҳада эҳтиёткорлик лозим, чунки диний маърифат билан бирга жаҳолат ҳам кириб келиши мумкин. Бизнинг ХХI асрга қадам кўяётганимизни ижодкорларимиз ҳар доим ёдида тутиши керак. Шу билан бирга, шеъриятимизда фольклор анъаналари ҳам мавжуд. Шеърият ҳар қачонгидан ҳам кўра халққа яқинлашиб бормоқда, унинг дарду ҳасратларини, қувончу шодликларини, ташвишларини акс эттирмоқда.

✓ Бугунги шеърятимиз озикланаётган анъаналарга эътибор берсак, унда прогрессив жаҳон шеърятининг анъаналаридан тортиб, модерн шеърятгача бўлган асарларнинг таъсирини кўришимиз мумкин. Ёшлар ижодда Фарб шеърятдаги ифода усулларининг таъсири анча сезиларлидир. Шунини ҳам ёддан чиқармаслик керакки, XX аср ўзбек шеърятининг бой анъаналари бугунги шеърятимиз учун ҳам ижод мактабини ўтаб келмоқда.

Хуллас, ҳозирги шеърятимизда ўтмиш адабиётининг энг илғор анъаналари ривожланмоқда ва ўзи ҳам келажакда анъана бўлиб қоладиган хусусиятларга эга бўлиб бормоқда.

Маълумки, ижтимоий ҳаётимиздаги катта ўзгаришлар албатта шеърятда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ҳар бир янги замон бадиий адабиётда ўзининг мушоҳада шаклларини ҳам олиб келади. Қайси бир анъанани рад қилади, қайси бир анъанани эса қабул қилади. Муस्ताқиллик даври адабиёти социалистик реализм адабиёти анъаналарини рад этган бўлса, тасаввуф ва модерн шеърят анъаналарини қабул қилди. Бу диалектик қонуният бадиий тафаккур ривожда доимо содир бўлиб келган. Ана шу жараён бугунги адабиётимиз ривожда қандай давом этаётгани деган саволнинг туғилиши табиий.

✓ Ҳозирги шеърятимизда бир қанча йўналишлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, бир гуруҳ шоирларимиз муस्ताқиллик бўлганидан кейин ҳам мадҳиябозликни давом эттирмоқдалар. Уларнинг айрим шеърларида ҳозирги давримизга ва айрим раҳбарларга нисбатан муносабат, ҳурмат ҳушомадгуйлликка айланиб бормоқда. Шеърят жуда нозик нарса, у гўзал, нафосатли ҳис-туйғуларнигина қабул қилади. Ҳар қандай ҳис-туйғу ҳам меъёридан ошса, шеърят уни қабул қилолмайди. Яна бир хил шоирлар эса астиқлол даврига келиб ё шеър ёзмай қўйди, ёки ёзганини наҳр қилмасдан турибди. Яна бир хил шоирлар эса ижтимоий ҳаёт ҳақида шеърлар ёзишдан кўра, тарихга мурожаат этиб, худога илтижо қилиб шеърлар ёзмоқда ва диний-маърифатни тарғиб этмоқда. Қадимий қадриятларни қайта

тикланч, тасаввуфона шеърлар ёзиш А.Орипов, М.Жалил каби шоирлар ижодида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Бу ҳодисани чекининг ёки тушқунлик аломати эмас, балки ҳозирги давримизнинг, яъни мустақиллик муҳитининг тақозаси деб тушуниш лозим. Чунки ҳозирги пайтда мустақиллик мафкурасини шакллантиришда диннинг роли ҳам катта эканлигини тан олишимиз керак.

80-йилларда ўзбек шеъриятига кириб келган, ўз вақтида навқирон авлод деб аталган шоирлар эса нима учундир анча пассив ҳаракат қилаёттир. Уларнинг кўпчилиги журналистика билан шуғулланиб, шеъриятидаги фаолиятини қониқари деб бўлмайди. У.Азим шеъриятидаги шиддат, жўшқинлик каби ўзига хосликлар ҳозир унчалик сезилмайди. Ў.Сулаймон, Г.Жўраев, О.Ҳожиева, Х.Шарипов сингари шоирлар ижодида аввалгидек публицистик руҳнинг устиворлиги, дидактика, замонасозлик, декларативлик каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Серсўзлик, янғроқ хулосанинг йўқлиги кўпгина шеърларга хос хусусият бўлиб қолди.

Ҳозирги шеъриятда турли услубдаги хилма-хил шоирлар ижод қилмоқда. Айниқса, мафкурасиз шеърлар ёзишга ингилиш кучли бўлаётгани сезилмоқда. Адабиётшунос олимлар ўзбек поэзиясида янги оқим пайдо бўлаётганини таъкидламоқда. Тўксонинчи йилларда янги ўзбек шеъриятининг вакиллари Салим Ашур, Рустам Раҳим, Даврон Ражаб кабилар етишиб чикди. Ана шу ёш ижодкорлар ўз асарларида жаҳон шеърияти анъаналарини қўлламоқда. Ёш авлод шоирлари ҳақида танқидчиликда турли фикрлар айтилмоқда. Бу фикрларнинг кўпчилигида, уларнинг келажаги парлок эканлиги ҳақида башоратлар килишмоқда. Масалан, Баҳром Рўзимуҳаммаднинг ёш шоирлар ижоди ҳақидаги куйидаги фикрлари эътиборлидир: «Ёшларнинг орасида шўро даври шоирлари ва ундан кейингиларига қийёслаганда ёлгончи шоирлар кам. Бу ҳозирги замон жаҳон шеъриятдан таъсрланиш самарасидир».

Албатта, ёшлар шеърятининг ҳам ўзига хос ютуқ ва камчиликлари бор. Фақат қофиясиз шеърлар ёзиш билан жаҳонга чиқиб бўлмайди. Бизда ҳозир кўпгина ёшлар қофиясиз шеърлар ёзишга интиломда. Ҳозир Европа шеъряти яна қофияга қайтаётганини ҳам унутмаслик керак. Энг биринчи шеърда фикр ва хис-туйғу уйғунлиги сайқалланган сўзларда ифодаланиб, улар ўқувчига таъсир қилиши лозим. Ҳозирги шеърятимизда «хос» кишилар ва «овомга» аталган алоҳида шеърлар ҳам пайдо бўлмоқда, деган фикрлар ҳам бор. Бу ҳам ниҳоятда баҳели фикр, бугунги кунда битта халқни иккига, яъни бой ва камбағалга ажратиб қўйган шўроларни танқид қилаяймиз. Шундай экан, нима учун «хос» кишилар ва «овом» шеъряти алоҳида бўлиш лозим.

Кейинги йиллар ўзбек шеърятида А.Ориповнинг «Савоб», «Дунё» каби шеърӣй тўпламлари нашр этилди. Бу тўпламлар ҳар ҳолда бошқа шеърӣй тўпламларга нисбатан кўпроқ шухрат қозонди. Лекин бу тўпламлардаги шеърларда ҳам ҳозир яшаб турган давримизга муносабатлар кўп сезилмайди. Бизга мустақиллик тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни фож килувчи, уларга ўқувчиларнинг нафратини оширувчи шеърлар ҳам ҳаводай зарур. Ёш шоирлардан Б.Пирнафасовнинг «Тонг ёқаси», Фахриёрнинг «Даврнинг овози», «Аёлғу», Рустам Мукулмоннинг «Хиргойи», М.Умрзақованинг «Орзунинг оқ қаноти», Бахтиёр Саиднинг «Оксарой» каби тўпламлари танқидчиликда яхши баҳоланмоқда. Лекин кўпгина ёш шоирларнинг шеърларида сергашлик, насиҳатбозлик сингари нуқсонлар ҳам кўзга ташланмоқда.

Хуллас, ҳозирги ўзбек шеърятини турли-туман йўналишдаги талантлар ижод қилмоқда. Тажрибали, кекса шоирларимиз эски анъаналарда асарлар яратаётир. Ёш талантларнинг кўпчилиги эса Фарб шеърятини традицияларига мўйиллик билдирмоқда.

Маълумки, дoston лиро-эпик жанр бўлиб, бадиий адабиётда унинг жуда кўп турлари яратилган. XX аср ўзбек

адабиётида яратилган дostonларда классик дostonлар билан бирга Европа адабиётидаги поэмаларнинг таъсирини кўришимиз мумкин. Х.Олимжон, Миртемир каби шоирлар яратган дostonлар адабиётимизда реалистик дostonчилик соҳасида катта ўзгаришларга олиб келди.

Асримизнинг 80-йилларига келиб дostonчиликда ҳам катта бурилишлар даври бўлди. Э.Бохидовнинг «Рухлар исёни», «Истамбул фожиаси» А.Ориповнинг «Ҳаким ва ажал», «Ранжом», О.Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар», «Минг бир ёду» каби асарлари кейинги йиллар ўзбек дostonчилигининг катта ютуқларидан саналади. Тарихий мавзуда ёзилган дostonлар ҳам кейинги пайтларда кўп чоп этилди. Шулардан бири У.Азимовнинг «Ҳалил султон» номли дostonидир. Буюк Темур вафотидан кейин, унинг фарзандлари тахтни эгаллаш учун ўзора кураш бошлаб юборди. Ана шу курашларда Темурнинг набираси Халил Султон ҳам қатнашади. У ҳокимиятни 3-4 йил қўлга киритди, лекин уни сақлаб қололмади. Чунки у раҳмдил, содда йигит эди, унинг ягона орзуси севган кизи Шодимулқхоним билан тинч, асоийшта ҳаёт кечириш эди. Лекин ўша даврдати сиёсий курашлар Халил Султонни бу орзусига етказмайди. Асар охирида у заҳар ичиб ўлади, кейин унинг севгилиси Шодимулқхоним ҳам заҳар ичиб, ўзининг жонига қасд қилади. Асар воқиалари ана шу икки ёшнинг оташин муҳаббатига бағишланган. Бу дostonда хиёнат, сотқинлик, иккиюзламачилик каби иллатлар қаттиқ қораланган. Асарда кўплаб тарихий шахслар образлари келтирилган.

А.Суюннинг «Сарбадорлар» номли дostonи ҳам тарихий мавзуда бўлиб, унда XIV асрда юз берган ижтимоий воқиалар, яъни муғул босқинчиларига қарши курашган сарбадорлар образи берилган. Мавлонзода, Абу Бакир Қалавий, Хўрдак Бухорий каби шахслар дostonнинг бош қаҳрамонларидир. Бу образлар анча пишиқ ишланган. Б.Бойқобилов беш дostonдан иборат «Янги «Хамса» дostonлар туркумини чоп эттирди. Бу беш дoston

«Хайратул ахрор», «Нотинч Хуросон» «Шукухли карвол», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» деган номлар билан аталган. Бу дostonларда Хўжа Ахрор, Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро сингариларнинг тарихий хизматлари, фаолиятлари бадиий акс эттирилган.

О.Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар» дostonи асосан кейинги йилларда ёзилган мухаббат ҳақидаги энг яхши дostonлардандир. Бунда мухаббат изтироблари давр воқиалари билан боғлаб берилган. Асарнинг айрим бобларида тарихга мурожаат қилинган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, Аҳмад Яссавий ҳикматлар ҳақидаги саҳифалар жуда жозибали чиққанлиги билан характерлидир. Шоирнинг «Минг бир ёғду» дostonида эса маънавий – маърифий масалалар кўтарилиб чиқилган. Бунда шоир Навоийнинг «Хамса» асаридаги ҳикматли сўзлардан бир жумла олиб, уни бугунги кунга боғлаб тасвирлайди. Бу дoston ўзининг оригиналиги билан ажралиб туради. Фалсафий фикрларнинг кўшлаб берилиши, унинг бадиий қимматини янада оширади.

Адабиётимизда юбилей муносабати билан ёзилган дostonларда бир-бирини такрорлаш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Амир Темур ҳақида ёзилган дostonлар бунга мисол бўла олади. Бундай камчиликлардан қатъий назар, кейинги йиллар ўзбек дostonчилиги ўзининг мундарижаси билан ҳам, бадиий –эстетик томондан ҳам қатта ўзгаришларга учраб, ривожланиб бормоқда.

Савол ва топшириқлар:

1. Истиклол ва ўзбек шеърияти.
2. Э.Воҳидов, А.Ориповларнинг мустақиллик йилларидаги ижоди.
3. Ёшлар шеъриятидаги йўналишлар.
4. Кейинги йиллар ўзбек дostonчилиги.

Адабиётлар:

1. Н.Шукуров. Сўз сеҳри, шеър меҳри. Самарқанд. 1994 йил.
2. Б.Рўзимухаммад. Дунё бойчечак рангида. «ЎЗАС» газетаси. 2000 йил. 15 декабр.
3. И.Ғафуров. «Ўттиз йил изҳори». Тошкент. 1991 йил.
4. О.Шарафидинов «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч». М.Хайруллаев. «Мозийдан садо, келажакка қорловчи». «ЎЗАС» газетаси. 2000 йил. 15 сентябр.
5. Х.Абсамиев. Анъана ва танқид. «ЎЗАС» газетаси. 1997 йил. 25 июл.

VII МАВЗУ: ДРАМАТУРГИЯ РИВОЖИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИ

Режа:

1. Ўзбек адабиётида драматургия жанрининг шаклланиши.
2. 80-йиллар ўзбек адабиётида драматургия
3. Драматургияда тарихий мавзу.
4. Мустақиллик даври ўзбек драматургияси

Таянч иборалар: *Драматик асарлар. Жанр хусусияти, жаҳид драмалари, Ў.Умарбеков, Ш.Бошбеков драмалари. Комедия, «Келинлар қўзғолони», шеърлий драмалар, «Соҳибқирон», «Қатогон».*

Ўзбек классик адабиётида драматик жанрлар шаклланмаган эди. Бу жанр фақат XX асрнинг бошларида адабиётимизда пайдо бўла бошлади. Драматургия жанрининг пайдо бўлишига бош сабаблардан бири - бу ижтимоий

хаётдаги катта социал ўзгаришлар эди. Ўрта Осиё Россия томонидан ишғол қилинган, ўлкада миллий озодлик харакати кучая бошлади. Ана шу миллий оғ ва эрк, озодлик хақидаги ғояларни ифода қилиш учун, уларни халққа тарқатиш учун бадий адабиёт катта восита бўлиб хизмат қилди. Айниқса, драматургия жанрига бўлган зарурият янада кучайди. Буздан ташқари рус ва бошқа қардош халқлар театрларининг ҳам самарали таъсири бўлди. Натижада, асримизнинг ўнинчи йилларидан бошлаб дастлабки ўзбек драматик асарлари пайдо бўла бошлади.

Миллий театрнинг шаклланишида жадид ёзувчилари жонбозлик кўрсатди. 1911 йилда Абдулла Авлоний бошчилигида дастлабки ўзбек драмгруппаси «Турон» ташкил этилди. Кейинчалик Самарқандда Маҳмудхўжа Бехбудий «Падарқуш» номли драматини ёзди ва уни сахналаштирди. Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз кув», Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» каби асарлари дастлаби ўзбек драмаларидир.

Ўзбек драматургиясининг тараққиётига Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, К.Яшин, Уйғун, М.Шайхзода сингарилар жуда катта ҳисса қўшдилар. Ана шу ёзувчиларнинг ижоди туфайли ўзбек драматик асарлари жаҳон миқёсига кўтарилди. Уларнинг асарлари жуда кўп чет тилларига таржима қилиниб, ўша давлатлар театрларида қўйилди.

80-йилларга келиб драматик асарларнинг табиатида ҳам катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Жумладан, ижтимоий ҳаётда бўлаётган катта социал ўзгаришларга муносабат билдирадиган асарлар пайдо бўла бошлади, маънавий ахлоқий томондан тубанлашиб бораётган жамиятнинг иллатларини фош қилувчи асарлар пайдо бўлди. Айниқса, бу даврда Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» драматини катта шухрат қозонди. Драматург ўз асарига мавзу қилиб қишлоқ деҳқонларининг ҳаётини олди. Ўзбек деҳқонининг турғунлик йилларида қилган оғир меҳнати, лекин бунинг эвазига ҳеч нарса олмагани бу асарда жуда ишонарли қилиб берилган. Асардаги Кўчқор образи ўзбек

деҳқонларининг типик образи даражасига кўтарилган. Пахта яккаҳокимлиги пайтида ўзбек хотин-қизларининг оғир турмуши бу асарда қулғули ва ачинарли қилиб берилган. Шунинг учун бу асарнинг жанр хусусиятини трагикомедия деб белгилаган. Қадимий қадриятлар, урф-одатлар, ахлоқ ва одоб мавзuida Ў.Умарбековнинг «Қиёмат қарз», «Ўз аризасига кўра» номли драмалари яратилди. С.Ахмаднинг «Келинлар кўзғолони» номли комедияси ҳам юртимизда катта шухрат қозонди. Ҳозирги пайтда Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» каби драматик асарлари Покистон ва Америка театрларида ҳам намоён қилинмоқда. Турғунлик йилларида юртимизда кўпгина иллатлар содир бўлди. Жумладан, кўчиб ёзиш, кўзбўямачилик, порахўрлик каби иллатлар жамиятнинг бузилишига олиб келди. Ана шундай иллатларни фош қилувчи Э.Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» номли шеърлий драмаси ҳам анча машхур бўлди. Бу асарда асосан учта – Исқандар, Комил, Саодат образлари катнашади. Шу образлар орқали фақат собиқ совет давлати ҳақидагина эмас, балки жаҳондаги бўлаётган кўпгина воқиаларга ҳам муносабат билдирилган. Бу асарни ҳатто сиёсий драма деб ҳам аташади. Асар воқиалари асосан Ўзбекистонда юз берган, уни «Истамбул фожиаси» эмас, балки «Ўзбекистон фожиаси» деб аташ мумкин.

80-йиллар ўзбек драматургиясида яна шу нарса кўзга ташланадики, унда жаҳид адабиётининг кўпгина драматик асарлари қайтадан чоп этилди. Бехбудийнинг «Падаркуш» Фитратнинг «Абулфайзхон», «Хинд ихтилолчилари», Чўлпоннинг «Ёркиной», «Замона хотини» ва бошқа асарларнинг нашр қилиниши адабий жараёнда катта воқиа бўлди. Бу даврда М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» номли драмаси ҳам қайтадан нашр этилди. Маълумки, бу драма ҳам шўролар даврида ман этилган асарлар қаторига қўшилган эди.

Истиклол даврига келиб драматургиянинг ривожланиши бироз секинлашди. Тарғибот воситаларининг

кўпайиши, телевидение эшиттиришларининг ривожланиши театр санъати ривожланишига салбий таъсир этди. Театр ва телевидение ўртасида рақобат бўлди. Бу рақобатда театр ўз репертуарларини мукамал тузиш лозим. Акс ҳолда томошабинлар театрларга қатнамай кўйиши мумкин. Лекин шунга қарамасдан, истиқлол даврида ҳам бир қанча диққатни жалб қилувчи драматик асарлар яратилди. Буюқ бобомиз Амир Темур ҳақида ҳозир кўплаб асарлар яратилмоқда. Воҳаланки, бу мавзу шўролар даврида ман қилинган мавзулардан бири эди. Амир Темур ҳақида чет элларда кўпгина асарлар ёзилган. Бизнинг адабиётимизда Амир Темур шахсини тасвирлаш учун кўп уринишлар бўлаётир. Ана шулардан бири сифатида А.Ориповнинг «Соҳибқирон» номли шеърӣ драмасини кўрсатишимиз мумкин. Асарда Амир Темурнинг Боязид билан уруши, Хитойга кўшин тортиши каби воқеалар тасвирланган. Темур асарда тадбиркор шох, кўркмас, ботир саркарда сифатида талқин этилган. Темур катта салтанат тузади, юртимиздан чингизийларни ҳайдайди, ўрта аср уйғониш маданиятини бошлаб беради. У буюқ авлиёлар ичида Аҳмад Яссавийни жуда ҳурмат қилади. Хитойга юриш бошлашдан аввал Яссавий қабрига бориб зиёрат қилади. Ана шунда хизр тимсолида Яссавий пайдо бўлиб, Темурни беҳуда қон тўкишдан қайтарди. Ҳамма вақт ҳам адолатни уруш билан тиклаб бўлмайди, дейди. Хуллас, бу драма кейинги йиллар ўзбек адабиётининг катта ютуқларидан бири бўлди.

Усмон Азимнинг «Сўнгиз кечалар» номли драмаси буюқ шоир Абдулхамид Чўлпоннинг вихоятда мураккаб ҳаётини кўрсатишга бағишланган. Асарда оташи шоир Чўлпоннинг эрк ва озодлик учун, ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилгани кўрсатишган. Унинг соқиниқлар, хиёнатлар, адоватлар исканжасида ўтган ғоят оғир ва машаққатли ҳаёти, қатоғон йилларининг мушкул муҳитидаги зиёлилларнинг чеккан азоблари бу драмада жуда таъсирли кўрсатиб берилган. Асарда Чўлпон образи билан бирга Ф.Хўжаев, А.Фитрат, Ботуларнинг образлари ҳам

келтирилган. «Сўнгсиз кечаларда» тонг отиши жуда чўзилиб кетган. Гўёки ҳеч қачон тонг отмайдиган бир ҳолат берилган. Лекин асар финалида сахнада ёруғ нурлар пайдо бўла бошлайди. Бу юртимизга келган истиқлолдан долонат эди. «Ватанни севган, хурриятга, маънавиятга, миллатга, таашуқли ҳар бир қалб ушбу спектаклни кўриш керак. Сахнадаги қайғули, даҳшатли, кўрқинчли ва ёруғ ҳолатлар томошабинга кўчади, вужудини титратади. Кўзларидан ёш оқизади» (Б.Имомов)

Истиқлол драматизининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири жаҳон цивилизацияси тарихида буюк роль ўйнаган ватандошларимизнинг образлари сахнага олиб чиқиш учун ингилишдан иборатдир. Ана шу борада З.Мухиддинов ва М.Ҳамидовлар қаламига мансуб «Захириддин Муҳаммад Бобур» номли шеърӣ драма ҳам диққатни ўзига тортади. Драмада шох ва шоир, саркарда, меҳрибон ота хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган Бобур образи аниқ дурут берилган. Асарда шоир ижодидан кўплаб кўчириллар келтириб, Бобур характерини ёртишда ундан унумли фойдаланган. Лекин асарда Бобур фаолиятининг жаҳоншумил аҳамияти етарли очилмаган. Тарихий шахслар ҳақида асар ёзганда асосан масаланинг шу тарафига катта эътибор бериш керак. Асар уларнинг шуҳратига лойиқ ва чет тилларга таржима қилишига арзийдиган, бошқа давлатларнинг театр сахналарида ҳам кўриш мумкин бўлиш даражасида бўлиш лозим. Бунинг учун эса фақат журъатнинг ўзи етмайди, муаллифдан тарихий материални пухта билиш, билим, тажриба, драматик маҳорат сирларини чуқур эгаллаш талаб этилади.

Истиқлол драматургияси хусусиятларидан яна бири ҳаётӣ конфликтларни бадий конфликтга айлантириб сахнага олиб чиқиш бўлаёпти. Илгари ҳамма ҳаётӣ конфликтларни ҳам сахнага олиб чиқиш мумкин эмас эди. Кўпгина ман қилинган мавзулар ҳақида бугунги кунда асарлар яратилмоқда. Истиқлол драматургиясида ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Кейинги пайтларда Санжарали

Имомовнинг номи тез-тез театр афишаларидан жой ола бошлади. Унинг «Шайтон ва фаришта», «Сойибхўжа операцияси», «Супер қайнона» каби асарлари бугунги театрларимизнинг репертуаридан жой олган. «Шайтон ва фаришта» драмаси марказига ҳозирги ҳаётимизнинг муҳим проблемалари қўйилган. Оддий кишилар маънавий оламидаги ўзгаришлар, уларнинг бугунги бозор иқтисоди шароитида пулга, мол-мулкка муносабатлари кулгили тарзда ифодаланган. Томошабин бутун асар давомида ўзини унутиб, пьеса персонажлари билан яшайди. Асар бошланишида берилган Шайтон ва Фаришта мунозарасидан бошланган драматик ҳаракат бутун асар давомида изчил давом этади, характерлар хусусиятлари ёрқин ифодаланган.

Яна бир хусусият, яқин ўтмишда содир бўлган «босмачилик»ка муносабат ўзгарди. Шулар ҳақида «Қора камар», «Сўнгги ўқ» каби асарлар яратилди. Хуллас, истиклол даври драматургияси ҳаётнинг конфликтларни бадний конфликтларга айлантириб, ҳаёт ҳақиқатини тўғри кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Истиклолимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни фош қилишда активлик намоян қилмоқда.

Савол ва топишиқлар:

1. Истиклол ва ўзбек драматургияси.
2. Драматургияда тарихий мавзу.
3. Одоб-ахлоқ ҳақидаги драматик асарлар.
4. Шеърлий драмалар ҳақида.

Адабиётлар:

1. Ш.Ризаев. Жаҳид драмаси. Тошкент. 1997 йил.
2. Б.Имомов. Ўзбек драматургияси. Тошкент. 1994 йил.
3. М.Кўшжонов. «Драматургияда янги саҳифа». «ЎзАС» газетаси. 1996 йил. 31 май.
4. С.Мирзаев. «Сўнгги қатоғон талқини». «ЎзАС» газетаси. 2001 йил. 27 июл.

VIII МАВЗУ: ПУБЛИЦИСТИКА ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК.

Режа:

1. Истиқлол даври ўзбек публицистикаси.
2. Миллий мафқуранинг шаклланишида публицистиканинг ўрни.
3. Кейинги йиллар ўзбек адабиётшунослиги.
4. Адабиёт тарихи ва танқидчилик.

Таянч иборалар: *Публицистика жанри ҳақида, ҳаёт ва адабиёт, долзарб масала, ҳозиржавоблик. Анъаналар ва адабиётшунослик. М.Қўшжонов, У.Норматов, О.Шарофидиновларнинг танқидий асарлари, мақолалари. Ёш танқидчилар.*

Адабий-бадний жанрлар ичида энг ҳозиржавоби, оператив публицистика жанри ҳисобланади. Публицистика жанри ўзбек адабиётида асосан XX асрда пайдо бўлди. Бунга юртимизда газета ва журналларнинг чиқарилиши, унинг таракқиётига туртки бўлди.

Истиқлол даври ўзбек адабиётида ҳам публицистика жанри муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ижодкорларимиз юртимизда юз бераётган турли воқеаларга ўз муносабатини дастлаб публицистикада баён этди. Бунда ёзувчилар турли мавзуларни кўтариб чиқади. Кейинги йилларда юртимиз тарихига, буюк ватандошларимизга муносабат бутунлай ўзгариб кетди. Уларнинг юбилейлари муносабати билан кўплаб публицистик мақолалар ёзилмоқда. Миллий мафқура ва маънавият тўғрисида ҳам қарийб барча ижодкорларимиз ўз фикрларини шу жанр орқали ифода этмоқда.

Қайта куриш ва ошкоралик даври деб аталган йилларда публицистикага катта эътибор берилди. 80 – йилларнинг охирида О.Ёқубов «Қишлоқдаги фожеа» номли мақоласида ўзбек аёлларининг жуда қийин ижтимоий

ахволи ҳақида ёзган эди. Жумладан, кўшлаб аёлларнинг ўзларига ўт кўйганлиги, болалар ўлими бўйича Республика олдинги ўринлардан бирини эгаллагани айтилган эди. Бундай салбий ҳолатларнинг ижтимоий илдизи қаерда деб мақолада савол кўйилган эди. Кейин шу мақола матбуотда кенг муҳокама қилинди. Натижада, ҳукумат пахта дефоляциясида қўлланадиган «Бутефос» каби заҳарли химикатларни ишлатмайдиган бўлди. Маълум вақт мактаб болаларини ва студентларни пахта теримига жалб қилмади.

Бирқанча ижодкорларимиз ўзбек тилининг мавқени кўтариш учун жамоатчиликка мурожаат қилиб, публицистик мақолалар эълон қилди. Шундан кейин тилимизга давлат тили мақомини беришни талаб қилган бир қатор намоёнлар бўлиб ўтди. Натижада, ҳукумат 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат мақомини беришга мажбур бўлди.

Кейинги йилларда ҳам турли мавзуларда публицистик мақолалар ёзилмоқда. О.Шарафиддинов «Тилда ҳикмат кўп» номли мақоласида булар – бўлмаста турли форсча, арабча сўзларни интернационал сўзлар ўрнига қабул қилавериш ҳам яхши натижаларга олиб келмайди, деган сўзларни билдирди. Баландпарвоз, ўта жимжимадор сўз ва ибораларни имкон қадар камроқ қўллаш мақсадга мувофиқ деди.

Ижодкорларимизнинг Орол муаммосига бағишлаб ёзилган мақолалари айниқса эътиборли бўлди. Бу соҳада П.Шермухаммедов, П.Қодиров, Т.Қашқерганов сингари ижодкорлар жонбозлик кўрсатди. Бу ижодкорларнинг ташаббуси билан Оролни қутқариш халқаро ташкилоти тузилди. Бугун дунё жамоатчилигининг эътиборини Орол фожеасига қаратиш, уларни қутқариш хавфдан огоҳлантириш ҳам асосан публицистика зиммасига тушди. Ҳозирги пайтда миллий мафкура ва маънавият ҳақида кўшлаб публицистик мақолалар ёзилмоқда. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай мақолалар ҳўпинча маълум бир ҳукумат қароридан кейин ёзилади. Бирон бир муаммони

олдиндан кўтариб чиқиб, уни жамоатчилик муҳокамасига қўйган мақолатар жуда кам учрайди. Ваҳоланки, ижодкорлар юртинг келажagini кўра билувчи мутафаккирлар бўлиши лозим. Улар ўз давридан илгарилаб кетмоғи, эл юртин келажакда нималар кутмоқда, унинг бахтини бўлиши учун қандай ишлар қилиш кераклигини айтадиган фидокор кишилар бўлмоғи лозим.

Хуллас, публицистика бугунги кунда, ўзидаги айрим камчиликларга қарамадан, мустақил Республикамизнинг тараққиёти ва камолоти учун катта ҳисса қўшмоқда.

Адабиётшунослик фан сифатида асосан XX асрда шаклланди. Бу соҳада катта-катта тадқиқотлар амалга ошириляпти. И.Султон, М.Кўшжонов, Х.Сулаймонов сингари йирик адабиётшунос олимлар етишиб чиқди. Истиклол даврида адабиётшуносликнинг олдига қўйилган вазифалар янада кенгайди ва унинг масъулияти ҳам ортди. Чунки бу даврдага келиб адабиётимиз тарихига қарашлар бугунлаи ўзгариб кетди. Истиклол туфайли биз қадимги кадриятларимизни қайтадан тиклаш шарафига муяссар бўлдик. Жумладан, адабиётимиз тарихида ўтган тасаввуф, сарой адабиёти каби оқимларни кенг ўрганиш имконияти туғилди. Ваҳоланки, булар шўро даврида «халқнинг мафкурасини бузувчи адабий оқимлар» деган нотўғри ғоя билан қораланар эди. Адабиётшунослик ана шу маданий меъроснинг энг гўзал намуналарини халққа тарғиб қилди. Натижада, Аҳмад Яссавий, С.Бақиргоний, С.Оллаёр каби диний маърифий шоирлар, Хусайн Бойқора, Муҳаммад Шайбонийхон, Амирий, Феруз сингари сарой адабиёти вакиллариининг асарлари чоп этилди ва халққа тарқатилди.

Адабиётшуносликнинг яна бир муҳим вазифаларидан бири, бу жаҳид адабиёти вакиллариининг асарларини кенг халқ оmmasига тарғиб қилиш бўлди. Маълумки, жаҳид адабиёти ҳам шўро даврида узок йиллар давомида қораланиб кели. Уларнинг асарларини нашр қилиш ва ўқиш ман этилган эди. Истиклол туфайли жаҳид адабиёти намуналари қайта нашр этилиб, ўз ўқувчиларига тарқатилди.

Бу соҳада Б.Қосимов, А.Алиев, Ш.Ризаев, Ш.Турдиев каби олимларнинг хизматлари жуда катта бўлди. 37-йил катогонида қурбон бўлган қаъриб барча ижодкорларнинг сақланиб қолган асарлари қайтадан нашр этилди. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари жаҳид ёзувчиларининг асарлари асосан истиклол даврига келиб қайтадан чоп этилди. Адабиётшунослик бу асарларни халқ орасида тарғиб этишда катта роль ўйнамоқда. Бу соҳа бўйича кўпгина илмий — тадқиқот ишлари амалга оширилди, мансграфиялар, дарсликлар нашр қилинди.

Ўзбек адабиётининг шўро даври ўрганилиши, унга муносабат масаласи ҳам ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидандир. Бу муаммо ҳақида адабиётшуносликда турли фикрлар баён қилинмоқда. Айрим адабиётшунослар шўро даври адабиётини тарихимиздан бугунгай ўчириб ташлашга, уни архив мулкига айлантиришга ташвиқ қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу давр адабиётини бошидан охиригача коммунистик ғояларини тарғиботига бағишланган асарлардан иборатдир. Бу адабиётшунослар мадхиябозликка асосланган бу давр адабиётини ўрганиш шарт эмас, деган фикрларни айтишмоқда. Албатта, бу фикрларга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. 70 йиллик адабиётимиз тарихида кўпгина ютуқлар ҳам қўлга киритилди.

Роман, драматургия жанрлари шаклланиб, бу соҳада катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Поэзия соҳасида ҳам катта ютуқлар бўлди ва реалистик проза қарор топди.

Айрим адабиётшуносларимиз эса бу давр адабиётини ҳам тўлиқ ўрганиш керак деган фикрларни айтишмоқда. Бу ҳам албатта бир ёқламали фикр. Чунки шўро давр адабиётида ҳозирги мафкурамизга тўғри келмайдиган асарлар ҳам жуда кўп ёзилган. Улардан ҳозирги китобхоннинг баъдий завқини бойитишда фойдаланиб бўлмайди. Бу давр адабиётини танқидий ўрганиш, бугунги истиклол мафкурасига фойдали томонларини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун айрим асарлар ҳақида.

бахсли мақолалар пайдо бўлмоқда. Шўро даври адабиётидаги «Бой ила хизматчи», «Кутлуг қон», «Ўғри», «Менинг ўғригина болам», «Сароб», сингари асарлар ҳақида бўлиб ўтган мунозаралар бунга мисол бўла олади.

Истиқлол даврида яратилаётган асарлар ҳақида ҳам адабиётшунослик ўз фикрларини вақтида билдириб турибди. Бу соҳада танқидчилар билан биргаликда ижодкорлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Бирон-бир адабий муаммо ҳақида бахсли мақолалар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Масалан, машҳур хикоянавис Ш.Холмирзаевнинг «Адабиёт ўладими», «Кечирасиз, ўрлоқ Карпингъер» каби мақолаларида ҳозирги адабий жараёнинг муҳим масалалари ҳақида мулоҳаза юртилади. «Ёшлар прозаси ўз йўлидан борали», «Замонавий асарларда қаҳрамон масаласи» сингари давра суҳбатларида эса ижодкорлар ва танқидчилар муҳим масалаларни биргаликда муҳокама қилишмоқда. Буларда адабиётшунослик нуқул адабиётнинг орқасидан борувчи, уни шарҳловчи ва изоҳловчилик ролидан қутилиб, автаном санъат турига кириб бораётганлиги айтилди. Энди адабий асарни филологик мезонлар билангина таҳлил қилиш, унинг ягона вазифаси бўлмай, балки санъат учун янги-янги мавзулар, муаммолар таклиф этиш керак деган фикрлар баён этилди.

Хуллас, ўзбек адабиётшунослигида ҳам дунёга катта фалсафий ва эстетик фикрлар берадиган даврлар келмоқда.

Савол ва топшириқлар:

1. Кейинги йиллар ўзбек публицистикаси.
2. Жамият тараққиёти ва ижодкорлар.
3. Миллий мафкура ва адабиёт.
4. О.Шарафиддинов – етук танқидчи.

Адабиётлар:

1. А.Алиев. Истиқлол ва адабий меърос. Тошкент. 1999 йил.

2. О.Шарафиддинов. «Чўлпонни англаш». Тошкент, 1998 йил.
3. М.Кўшжонов. «Ўзбекнинг ўзлиги». Тошкент, 1994 йил.
4. И.Ғафуров. «Ўттиз йил изхори». Тошкент, 1989 йил.
5. У.Норматов. «Қалб инқилоби». Тошкент, 1990 йил.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» Тошкент, 1997
2. И.Султон «Адабиёт назарияси» Тошкент «ўқитувчи» 1985.
3. М.Кўшжонов. Сайланма. Тошкент, 1988.
4. У.Норматов. «Қалб инқилоби» Тошкент, 1989.
5. Н.Шукуров. «Сўз сеҳри, шеър меҳри» Самарқанд, 1994.
6. С.Мирзаев. «Ўзбек романчилиги» Тошкент, 1998.
7. Н.Худойберганов. «Ишонч» Тошкент, 1988.
8. О.Шарафиддинов. «Ҳақиқатга садоқат» Тошкент, 1987.
9. И.Ғафуров. «Ўттиз йил изхори» Тошкент, 1989.
10. Х.Умутов. «Таҳлил санъати» Тошкент, 1984.
11. Б.Имомов. Ўзбек драматургияси. Тошкент, 1994.
12. Албер Камю. «Бегона». «Вабо». Тошкент, «Ёзувчи», 1995.
13. Гарсиа Маркес. «Юз йил тонқолиқда», «Ошқора қотиллик қиссаси». Тошкент, 1994.
14. Михаил Булгаков. Уста ва Маргарита. Тошкент, 1994.
15. Чингиз Айтматов. «Асрга татиғулик кун». «Қиёмат». Тошкент, 1998.
16. Чўлпон. «Яна олдим созимни» Тошкент, 1991.
17. Фитрат. «Чин севиш» Тошкент, 1998.

18. Б.Ахмедов. «Амир Темур» роман - хроника. Тошкент, 1997.
19. Ш.Бошбеков. Темир хотин. Тошкент, 1987.
20. Ш.Хамроев. Кора кун. Кисса. Тошкент, 1993.
21. Н.Боқий. Қатлнома. Тошкент, 1989.
22. А.Орипов. «Соҳибкирон». Тошкент, 1999.
23. Э.Воҳидов. «Куй авжида узилмасин тор». Тошкент 1991.
24. О.Матжон. «Ниймон ёрдуси». Тошкент, 1994.
25. Р.Парфи. «Сабр дарахти». Тошкент, 1987.
26. У.Ҳошимов. «Тушда кечган умрлар». Тошкент, 1991.
27. Ў.Умарбеков «Қизимга мактублар». Тошкент, 1997.
28. М.М.Дўст «Лолозор». Тошкент, 1988.
29. У.Азим. Сайланма. Тошкент, 1996.
30. Ш.Раҳмон. Сайланма. Тошкент, 1997.
31. Н.Эшонкул. Ҳикоялар. Тошкент, 1995.
32. Т.Мурод. «Отамдан қолган далалар». Тошкент, 1994.
33. О.Мухтор. «Тепаликдаги харабо». Тошкент, 1993.
34. Х.Дустмухаммад. «Жажман» Тошкент, 1995.

МУНДАРИЖА

Ҳозирги адабий жараённинг асосий тенденциялари.....	3
XX аср адабиётининг таракқиёт босқичлари	11
Янги ўзбек адабиётининг майдонга келиши.....	18
Кейинги йиллар ўзбек романчилиги.....	24
Кейинги йиллар ҳикоячилиги ва қиссачилиги.....	36
Лирика ва достончилик муаммолари.....	42
Драматургия ривожининг ҳозирги босқичи.....	49
Публицистика ва адабиётшунослик.....	55
Адабиётлар.....	60

21 . 18 . 2001 йилда босишга рухсат этилди.
№ 166 буюртма. 4, 0 босма табақ,
ҳажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха

СамДУ Нашр-матбаа маркази босмаҳонасида чоп этилди.
703004, Самарқанд ш., Университет хийбони, 15.

722e